БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 177 (16.867). | 31 июль 1977 йил, якшанба | Баҳоси 2 тийин.

Сирдарё область, Ворошилов районидаги «Қизил Октябрь» колхози аъзолари озуқа мўл-кўллиги йўлида фидокорона ишламоқдалар. Улар бу йил ҳар гектар ердан пландаги 200 центнер ўрнига 250—260 центнердан кўкпоя олишмоқчи. Суратларда: 1. Илғор бригада бошлиғи, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Ғ. Зиёдуллаев ва участка бошлиғи А. Сатторовлар ҳосилни кўздан кечиришмоқда. 2. Колхоз далаларида ўрим-йиғим пайти.

Ж. Тўраев фотолари.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

РЕСПУБЛИКА КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАР ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИНИ ЎЗАРО ТЕКШИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети колхоз ва совхозларнинг 1977 йил учун қабул қилган социалистик мажбуриятлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида пахтакор республикалар ўзаро текшириш бригадаларининг раҳбарлари: Озарбайжон ССРдан ўртоқ Н. Г. Рустамов, Тожикистон ССРдан ўртоқ У. Яхшибоев, Туркманистон ССРдан ўртоқ К. Сахатмуродов ахборотларини тинглаб, шуни қайд этадики, республика қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари КПСС XXV съезди қарорларини бажара бориб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда муайян муваффақиятларга эришдилар. Чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан белгиланган ярим йиллик топшириқлар, пилла топшириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар барвақт бажарилди, мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка давлатга бутургидан анча кўп сотилди.

Ҳамма жойда ғўзанинг ҳолати қониқарли, ҳосил тўплаш жадал давом этмоқда. Маккажўхори, ем-хашак, мева-сабзавот ва бошқа экинлардан яхши ҳосил етиштирилди.

Ана шуларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигининг талаб ва эҳтиёжларига Сиёсий бюро, шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев кун сайин эътибор бераётганликларининг натижасидир. Унинг деҳқонлар меҳнатига неча марталаб юксак баҳо берганлиги дала ва фермаларнинг меҳнатчилари кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшмоқда. Уларда Улуғ Октябрнинг 60 йиллик шарафига хўжалик юритишнинг янада самаралироқ натижаларига эришиш иштиёқини уйғотмоқда.

Қардош пахтакор республикалар ўртасида, бузилмас дўстлик ва ўзаро ёрдам рамзи бўлиб қолган анъанавий социалистик мусобақа меҳнатда муваффақиятларга эришишда катта аҳамият касб этмоқда. Бу мусобақа қишлоқ хўжалигидаги камчилик ва нуқсонларни очиб ташлашга ёрдам бермоқда, колхоз ва совхозларнинг коллективларини деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш учун ички ресурслар ва имкониятларни аниқлашга сафарбар этмоқда.

Айрим областларда, кўпгина районлар, колхозлар, совхозлар, бригадалар ва фермаларда жиддий камчилик ва нуқсонлар борлигини ўзаро текшириш якунлари кўрсатиб турибди. Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Хоразм, Фарғона областларининг колхоз ва совхозларида энг мақбул муддатлар келган бўлишига қарамай, ғўзани чеканка қилиш суст олиб борилмоқда, чеканка машиналаридан қониқарсиз фойдаланилмоқда. Жиззах, Сирдарё, Хоразм областларининг ва Қорақалпоғистон АССРнинг бир қанча хўжаликларида агротехника қўпол равишда бузилмоқда, суғориш билан культивация ўртасида катта тафовут бўлишига йўл қўйилмоқда: ғўзалар чаңқатиб қўйилган участкалар бор, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш унчалик самарали олиб борилмаётир, органик ўғитлардан яхши фойдаланилмаётир. Қорақалпоғистон АССР, Жиззах, Қашқадарё ва Хоразм областларининг хўжаликларида пахта терги машиналарини, тўкилган пахтани териб оладиган механизмларни ва бошқа техникани шайлашда катта камчиликлар аниқланди.

Шуманай, Кўнғирот, Комсомолобод, Дўстлик, Усмон Юсупов, Нишон, Чуст, Пайариқ, Боёвут, Фрунзе, Боғот ва бошқа районларнинг колхоз ҳамда совхозларида техникани ремонт қилиш ва тайёрлаш ишининг аҳволи айниқса қониқарсиз. Бир қанча районларда, колхоз ва совхозларда аэродромлар, йўллар, кўприклар, хирмонлар ва тош-тарози хўжалигини тайёрлаш ҳамда ремонт қилиш пайсалга солинмоқда. Хўжаликларга дефолиантларни ташиб олиш ва ғўза баргини ўз вақтида тўкиш учун ерда туриб ишлатиладиган аппаратларни тайёрлаш суст бормоқда.

Пахта тозалаш саноати министрлиги пахта тайёрлаш пунктларини, куритиш, тозалаш цехларини ва пахта заводларини янги пахта ҳосилини қабул қилишга тайёрлаш ишини суст контроль қилмоқда.

Бир қанча районларнинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари ем-хашак базасини мустаҳкамлаш учун чоралар кўришмаган, ем-хашакнинг зарур запасини ғамлаб қўйишмаган. Бир қанча районлар давлатга гўшт, сут, тухум топшириш соҳасида жуда орқада қолмоқда, ем-хашак ва бошқа экинлардан мўл ҳосил тўплашда энг қизғин ва ҳал қилувчи давр экаётгинини унутиб қўяётган районлар ва хўжаликларнинг ишига принципиал баҳо бермаётганликларининг натижасидир.

Озарбайжон, Тожикистон ва Туркманистон ўзаро текшириш бригадаларининг иш якунлари юзасидан жойларда шу текшириш натижасида аниқланган камчилик ва нуқсонларни тузатиш чоралари кўрилаётганлиги инобатга олинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети область ва район партия комитетларининг, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг, область ва район ижроия комитетларининг, қишлоқ хўжалиги органларининг, бошланғич партия ташкилотларининг, колхоз ва совхозлар раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг зиммасига ҳар бир район, хўжалик, бригада бўйича аниқланган камчиликларни тезроқ тугатиш юзасидан конкрет тадбирларни белгилаб, амалга ошириш вазифасини юклади. Ғўза парваришини кучайтиришга, суғориш ва қатор ораларини ишлашга, ғўзани чеканка қилишни ўз вақтида тугаллашга алоҳида эътибор жалб этилди. Мўл ҳосил тўпланишини таъминлаш учун ҳар бир колок участка контроль остига олинсин.

Пахта терим техникаси ремонтининг суръатларини тезлаштириш, уни шай ҳолга келтириб қўйиш ва икки сменада ишлатиш учун тажрибали механизатор кадрлар билан таъминлаш юзасидан кўшимча чоралар кўрилсин. Пахтазорлар бегона ўтлардан тозалансин, ҳосили машинада териладиган ва уруглик чигит олинадиган пахтазорлар барвақт ажратилсин. аэродромлар, транспорт воситалари, тош-торози хўжалиги тайёрлаб қўйилсин. Йўллар, кўприклар, майдончалар ҳамда пахта асраладиган ва қуритиладиган бостирмалар, шунингдек пахта тайёрлаш пунктлари, қурилиш-тозалаш цехлари ва пахта заводларини ремонт қилиш ишлари тугаллансин. Шу билан бирга ҳар бир хўжалик пахта ҳосилининг камида 70-80 процента машинада терилишини таъминлаш учун қурашиши назарда тутилиши зарур.

Пахта ҳосилини йиғиштириб олишга тайёргарлик кўриш билан бирга, маккажўхори ва шоли экинларини парвариш қилишга алоҳида эътибор берилсин, маккажўхори донини қисқа муддатда йиғиштириб олиш таъминлансин.

Дала ва фермаларда ишлаётган барча меҳнатчиларнинг серунум ишлаши ва нормал дам олиши учун зарур шарт-шароит яратилсин. Дала шийпонларидаги иш яхшилансин, бутун оммавий-сиёсий ишлар, медицина, савдо ва маиший хизмат шу ерга кўчирилсин.

Область ва район партия комитетларига, колхоз ва совхозлардаги бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва уларни давлатга сотишни кўпайтириш учун олинган мажбуриятларни бажарадилар, деб қаттиқ ишонч билдиради.

ТАШАББУСГА ҚЎШИЛИБ

Республикамиз пахтакорлари Ипатово ва Оқолтин райони илғорларининг ташаббусини кенг қўллаб-қувватламоқдалар. Редакция почтасига келаётган хат-хабарларда ана шу ҳақда хабар қилинади.

Мирзачўл районидаги «Тошкент» совхози пахтакорлари юздан зиёд терим машинасини мавсумга шай қилиб қўйишди. Бу йил совхоз коллективи бутун ҳосилни агрегатлар ёрдамида, четдан ишчи кучи жалб этмаган ҳолда териб олишга қарор қилди.

Хўжаликнинг Т. Сундетов ва Л. Ўрмонов етакчилик қилаётган бригадалари 60 центнерлик маррани кўзлаб ғўза парваришини авж олдирмоқдалар. Беш бригада эса, ҳар гектар ердан 50 центнердан «оқ олтин» олиш учун курашмоқда. Илғорлар ташаббусига қўшилган хўжалик аъзолари янги тадбирлар белгилаб олдилар. Ҳозир бу тадбирлар амалга оширилмоқда.

* * *

Қуйи Чирчиқ районидаги хўжаликларда юбилей йили ҳосилини барвақт йиғиштириб олишга зўр тараддуд кўрилмоқда. Районда 411 та «зангори кема»нинг ҳаммаси муддатидан аввал ремонтдан чиқарилди. «Ўзбекистон беш йиллиги» совхозининг, Ленин номли, Димитров номли, «Ленинград» колхозларининг ва бошқа хўжаликларнинг механизаторлари йиғим-теримга машиналарни яхши тайёрлаб қўйдилар.

Район меҳнатчилари бу йил бутун ҳосилнинг 93 процентини агрегатлар билан йиғиштириб олишга қарор қилдилар. Тўкилган пахтани йиғиштириб оладиган, кўрак чувийдиган, кўрак терадиган машиналарни мавсумга тайёрлаш тугай деб қолди. 1627 та трактор прицепи пахтани қоп-қанорсиз ташишда ишлатилади, буларнинг 1500 таси ҳозирга ремонтдан чиқарилди. Механизаторлар ва пахтакорлар йиғим-теримни зўр уюшқоқлик билан ўтказиш учун бутун куч-имкониятни ишга солмоқдалар.

* * *

Фарғона областининг қишлоқ меҳнатчилари оқолтинликларнинг ташаббусини қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Қувва районининг маккажўхорикорлари бу ташаббусни биринчи бўлиб маъқулладилар. Улар ҳар гектар ердан юз центнер қаҳрабо дон ва тўрт юз эллик центнер кўк поя олиш учун курашмоқдалар.

— Бу йилги мавсумда, — деди Қувва район партия комитетининг биринчи секретари М. Шербўтаев, — ҳосилни ўриб-йиғиб оладиган ва ташийдиган отрядлар муҳим роль ўйнаши лозим. Биз ана шуни назарда тутиб, район хўжаликларида ўн бешта отряд туздик. Ҳар бир отряд учун бажариладиган иш кўлами аниқ белгилаб берилди. Ҳозир бу отрядлар ҳосил ўрим-йиғимини икки сменада олиб бормоқда.

Ҳосилни ўриб-йиғиб оладиган ва ташийдиган отрядларга техникавий хизмат кўрсатиш учун «Узсельхозтехника» район бирлашмаси ҳузурида бешта звено тузилди. Бу звенолар составида кўчма ремонт устахоналари бўлиб, у пайвандлаш агрегатлари, автозаправщиклар ва запас қисмларнинг зарур комплекти билан таъминланган. Ўрим-йиғим қатнашчиларига дам олиш учун зарур шароитлар яратилган: иссиқ овқат ташкил қилинган, 15 та автолавка, кўчма кутубхоналар ажратилган. Ҳозирги вақтда маккажўхори ўрим-йиғими ҳамма хўжаликларда авж олдириб юборилди. Бу кампанияда етмишдан ортиқ агитатор, сиёсий ахборотчи ва лектор қатнашмоқда. Улар илғорлар тажрибасини кенг пропаганда қилмоқдалар мусобақанинг ошкоралигини таъминламоқдалар. Мусобақа якунлари ҳар беш кунда чиқариб турилади. Ҳамма ишлар маккажўхори донини йиғиштириб олишни ўн беш кун ичида ўтказишга ва Ватан омборларига уч минг бир юз тонна дон тўкишга, юбилей йилида олинган юксак мажбуриятни шараф билан бажаришга қаратилган.

Маккажўхори ўрим-йиғимида илғор тажрибанинг жорий этилиши дастлабки кунлардаёқ ўз самарасини берди. Қувва районидаги ҳамма хўжаликларда ўрим-йиғим суръатлари ўтган йилдагидан анча илдам бормоқда.

ЙИҒИМ-ТЕРИМ ТАРАДДУДИ

ЖУМА, [«Совет Ўзбекистони» мухбиридан]. Пастдарғом районининг Чархин зонасида қишлоқ хўжалик ходимларининг область кенгаши бўлиб ўтди. Унда маккажўхори донини қисқа муддатларда йиғиштириб олиш, ғўза парваришини сифатли ўтказиш, терим машиналарини мавсумга шайлаш, ҳашаротга қарши курашни кучайтириш каби қатор муҳим масалалар ҳақида гап борди.

Иштихон районидаги Охунбобоев номли колхоз ва Хатирчи районидаги «Зарафшон» совхозида Ставрополь ўлкаси, Ипатово район партия ташкилоти тажрибаси асосида кўрилаётган тадбирлар оммалаштирилди. Областнинг колхоз ва совхозлари Тошкент область маккажўхорикорлари ташаббусига қўшилиб, юбилей йилида ҳар гектар ердан 80 центнердан дон ҳосили олиш, яъни «қаҳрабо дон»ни етиштиришни 120 минг тоннага етказиш юзасидан оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилганлар.

Район партия комитетларининг биринчи секретарлари, район ижроия комитетларининг раислари, колхоз раислари, совхоз директорлари, комсомол ва касаба союз ходимлари иштирок этган бу кенгашда 14400 гектар ердаги маккажўхори донини камида икки ҳафта ичида ўриб-йиғиб олиш тадбирлари белгиланди. Ўрим техникасидан икки сменада фойдаланиш кераклиги таъкидлаб ўтилди.

Кенгашда область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Б. Р. Раҳимов нутқ сўзлади.

Л. ЭРГАШЕВ.

КАЛЕНДАРДА 1979 ЙИЛ

«Узбекхиммаш» заводининг токари Александр Петрович Гизатулин Уралда қурилаётган азотли ўғит заводининг буюртмасини муддатидан барвақт бажарди. У йиғма қувурлар деталлари туркумини тайёрлаб, 1979 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Цех коллективи уни самимий қутлаб, унга гулдасталар тақдим этишди.

Александр Петрович ана шу корхонада ўттиз йилдан кўпроқ вақтдан буён ишлаб келмоқда. Гизатуллин шу давр ичида иш вақтининг ҳар бир минутидан самарали фойдаланишни ўрганиб олди. У иш кунини бошлашга пухта тайёргарлик кўради, асбоб-ускуналарни ўз вақтида шайлаб қўяди, станокни текширади.

Шу боисдан ҳам у бутун смена давомида бир маромда ишлайди. Илғор ишчи завод ишлаб чиқараётган барча химиявий аппаратлар учун узеллар ва деталларни зўр маҳорат билан ясайди.

Гизатулин ҳисобланган — техникавий нормалар асосида ишлайди, деталларни ишлаш технологиясини олдиндан ўрганиб чиқади. Бу эса унга янги буюмлар ишлаб чиқаришни тезроқ ўзлаштиришга ёрдам беради. Ускуналарни ва мосламаларни тайёрлай билиш ҳам меҳнат унумдорлигини оширишнинг катта резервидир.

(ЎзТАГ).

ПАХТА ДАЛАЛАРИНИНГ АТТЕСТАЦИЯСИ

Тўрткўл районидаги «Коммунизм» колхозининг жамоатчилик асосидаги сифат ва иқтисодий анализ бюроси бригада бошлиқлари И. Нурумбетов билан К. Ражепбоевларнинг пахта далалари учун аттестатлар топширди.

Пахта далаларини аттестациядан ўтказиш тўрткўллик деҳқонлар ишидаги янгиликлардандир. Бу нарса ҳар гектар экинзорнинг сифатини жамоат контроллиги остида тутишга ҳамда иш бажаришда йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликларнинг чаққонлик билан олдини олишга имконият яратди, энг яхши ишларнинг тажрибасини ёйишга ёрдам беради.

Ильич номли, Димитров номли колхозларда, районнинг бошқа хўжаликларида далалар аттестациядан ўтказилиб бўлди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми юридик фанни ривожлантириш ва малакали кадрлар тайёрлаш соҳасидаги хизматлари учун юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети кафедрасининг мудири Шавкат Закариевич **Урозаев**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берди.

31 июль—СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти куни

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИНИНГ ФЛОТИ

Бу йил Ҳарбий-Денгиз Флоти куни совет халқи ва унинг жангчилари КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш борасида илҳомбахш меҳнат қилаётган бир вазиятда нишонланмоқда. Ҳарбий денгизчилар КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленуми қарорларини барча совет кишилари билан бирга қизғин маъқуллаб қабул қилдилар. Улар СССР янги Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасида актив қатнашмоқдалар, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга ҳаракат қилмоқдалар.

Мамлакатимиз — буюк денгиз давлатидир. Денгиз чегараларини пухта ҳимоя қилмоқ учун қуролли кучларнинг бошқа турлари билан бирга Ватанимиз хавфсизлигини таъминлай олишга қодир кучли Ҳарбий-Денгиз Флоти зарур албатта. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда Коммунистик партиянинг ғамхўрлиги, совет халқининг фидокорона меҳнати туфайли мутлақо янги океан флоти вужудга келтирилди.

Ҳозирги вақтда турли ракеталар ва ўзи нишонга оладиган торпедалар билан қуролланган, такомиллаштирилган навигация, бошқариш ва алоқа воситалари билан жиҳозланган атом сув ости кемалари флотнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этишга қодир асосий воситадир. Флотимизда ракета кемалари, сув ости кемаларига қарши курашадиган кемалар, минага қарши десантчилар ва бошқа сув усти кемалари бор. Флот соҳил бўйи денгизи ва берк денгизлардан жаҳон океанига чиқди. Денгиз ракета авиацияси ва сув ости кемасига қарши курашадиган авиация флот жанговар қудратини ошириш, флот ҳаракатчанлигини кучайтириш учун янги-янги имкониятлар очиб берди. Улуғ Ватан уруши йилларида шуҳрат қозонган денгиз пиёдалари ҳам сифат жиҳатидан янгиланди.

Ҳарбий денгизчилар кемасозларимиз, мудофаа саноати ходимлари, флот моддий-техника базасини яратувчи барча совет кишиларининг фидокорона меҳнатига ҳурмат ва миннатдорчилик билан қарамоқдалар. Советлар мамлакатининг ватанимиз хавфсизлигини ҳимоя қиладиган океан ракета-ядро флоти ҳеч қандай агрессив мақсадларни кўзда тутмай ўзининг асосий вазифасини муқаддас билиб бажармоқда. У Советлар мамлакати, бутун социалистик ҳамдўстлик хавфсизлиги посбонлигида, бутун дунёда тинчлик посбонлигида ҳушёр турибди.

Совет ҳарбий денгизчилари ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчларини чуқур англаганликлари ҳолда партия билан халқ ишончини тўла оқлашга интилмоқдалар. Улар Октябрь ғалабаларини исталган дақиқада ҳимоя қилишга тайёр турибдилар.

В. Н. ЧЕРНАВИН,
вице-адмирал
Қизил Байроқ орденли Шимолий флот қўмондони

* * *

29 июль куни Совет Армиясининг Марказий академик театрида Москва меҳнаткашлари вакиллари ва пойтахт гарнизони жангчиларининг СССР Ҳарбий Денгиз Флоти кунига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди.

Президиумда КПСС Марказий Комитетининг секретари Я. П. Рябов, СССР министрлари, СССР мудофаа министрининг ўринбосарлари, генераллар бор эди.

Йиғилишда Ҳарбий Денгиз Флотининг бош қўмондони, Совет Иттифоқи флот адмирали С. Г. Горшков сўзга чиқди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига яқдиллик билан табрикнома қабул қилдилар.

(ТАСС).



Қизил Юлдуз орденли Болтиқбўйи округи денгизчилари Совет Иттифоқи денгиз чегараларини ҳушёрлик билан қўриқламоқда. Денгизчилар ўзларининг анъанавий байрамларини жанговар машқларда ва ўқишда зўр муваффақиятлар билан кутиб олдилар.

Суратда: (Ўнгдан-чапга) кема командири В. Ануфриев, матрос В. Федосинов ва Н. Таматаров.

П. КУЗНЕЦОВ фотоси. (ТАСС).

ДЎСТОНА МАСЛАҲАТЛАРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ, ҚАРДОШЛАР!

Сўз—Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистон республикалари ўзаро текшириш бригадаларининг раҳбарларига

Мамлакатнинг қардош пахтакор республикалари — Озарбайжон, Тожикистон ва Туркманистондан келган ўзаро текшириш бригадаларининг иш якунлари чиқарилди. Мусобақадош дўстлар Ўзбекистон деҳқонлари юбилей йилида қабул қилган юксак мажбуриятлар қандай бажарилаётганлигини чуқур ва атрофлича текширдилар. Улар республика қишлоқ меҳнатчилари мамлакат пахтачилигини ривожлантириш ишига қўшаётган катта ҳиссага мунасиб баҳо бердилар. Шу билан бирга бу соҳадаги мавжуд камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтдилар. Ўртоқларча танқид, маслаҳатлар ва тавсиялар хўжаликларга «оқ олтин» ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш резервларини ишга солишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўзаро текшириш якунлари юзасидан қабул қилган қарор барча қишлоқ меҳнатчилари, партия, совет ва хўжалик органларининг диққат-эътиборини иш самарадорлиги ва сифатини янада оширишга, қардош республикаларнинг вакиллари аниқлаган камчиликларни тезроқ бартараф этишга қаратади.

Август — мўл ҳосил тўплаш учун курашда ва пахта йиғим-теримига тайёргарлик кўришда ҳал қилувчи ойдир.

Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейи нишонланадиган йилда 5360 минг тонна Ўзбекистон пахтасини етиштириш учун социалистик мусобақани авж олдирайлик!

МЕҲНАТ ҒАЛАБАЛАРИНИНГ МАНБАЛАРИ

Н. РУСТАМОВ,
Озарбайжон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри.

Бугун совет халқи Конституция лойиҳасини, Марказий Комитет май Пленумининг якунларини қизғин муҳокама қилаётган, СССР Олий Советининг сессияси партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневни СССР Олий Советининг Президиумининг Раиси қилиб сайлангалиги тўғрисидаги қарорини маъқуллаётган кунларда ўзаро текшириш бригадамиз иш олиб борди.

Биз, Озарбайжон ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари халқи инсониятга қўйган буюк олимлар, меъморлар, шоирлар, ёзувчилар, фан ва маданият арбобларини берган қадимий ўзбек диёрида беш кун туриб ғоятда мамнун бўлдик.

Озарбайжон меҳнаткашлари қардош Ўзбекистон меҳнаткашларининг фидокорона ва қаттиқ курашини, юбилей йили, умуман ўнинчи беш йиллик планларини қандай амалга ошираётганлигини диққат билан кузатиб турибдилар.

Дала ва фермалардаги муваффақиятли меҳнат республика қишлоқ хўжалигининг потенциал имкониятлари оз эмаслигидан далолат беради. Республика қишлоқ хўжалиги қиймматбаҳо маҳсулот етиштириш ва давлатга сотишни йилдан-йилга кўпайтириб бормоқда ҳамда Совет ҳокимиятининг 60 йиллигида 5 миллион 360 минг тонналик маррага эришишни мўлжаллаб қўйди. Бу ҳақиқий меҳнат жасорати бўлиб, ҳар бир кишидан ғоятда фидокорлик, ижодкорликни, куч-қувватлар батамом сарфланишини талаб қилади.

Ўзбекистон деҳқонлари пахтачиликни ривожлантириш билан бирга бошқа қимматли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш юзасидан ҳам юксак марраларни белгилаб олдилар. Республикада чорвачилик комплекслари, ихтисослаштирилган совхозлар, агросаноат бирлашмалари катта суръатлар билан қурилмоқда. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Бизнинг Озарбайжон меҳнаткашлари ҳам катта муваффақиятларга эришди. Дўстларимиз, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари билан олиб борилаётган мусобақа бунга анчагина ёрдам берди.

Республика Компартияси Марказий Комитетининг раҳбарлигида Озарбайжон экономикаси олға томон катта қадам ташлади. Саноат ўтган йилги планни 27 декабрда бажарди, пландан ташқари 124 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Ғаллакорлар биринчи марта 1.184 минг тонна дон етиштирдилар, бу 1980 йилга мўлжалланган маррага тўғри келади, 532 минг тонна — пландагидан 67 минг тонна кўп пахта, 708 минг тонна узум, 585 минг тонна сабзавот, 48 минг тонна тамаки ва бошқа кўп маҳсулотлар сотилди. Юбилей йили ҳам яхши бошланди. Озарбайжон дон топшириш плани бажарилганлиги тўғрисида мамлакатда биринчилардан бўлиб рапорт берди. Шундай бўлсада, далаларда машина кам, биз дўстларимизга ғўза парваришини бўшаштирмасликни маслаҳат бердик.

Самарқандликлар юбилей йилида яхши ишлаяптилар. Кўпгина бригадалар гектар бошига 60 центнердан ҳосил кўтариш учун кураш олиб бормоқда. Лекин шуни ҳам айтиб ўтишимиз зарурки, бу область хўжаликларида ўргимчаккана босган далалар ҳам бор, бир қанча хўжаликларда ғўза текис унган эмас. Бу нарса ғўза парваришини табақалаштириб олиб боришни тақозо қилади.

Холисона айтсак, мулоҳаза ва маслаҳатларимиз асосида барча ўртоқлар чақкон ҳаракат қилиб, топиллан нуқсонларни тугатиш пайидан бўлдилар. Текшириш якунлари бўйича район ва область партия комитетлари бюроларининг кенгайтирилган мажлислари, хўжаликлар, бригадаларнинг раҳбарлари билан кенгашлар ўтказилди.

Республика партия ташкилотининг раҳбарлигида Ўзбекистон меҳнаткашлари юбилей йилининг юксак мажбуриятларини муваффақият билан бажариб, Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллигини меҳнатда катта-катта ютуқлар билан кутиб олишларига ишонамиз.

ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ—УМУМХАЛҚ МУЛКИ

У. ЯХШИБОЕВ,
Тожикистон ССР тайёрлаш министри.

Ўзбекистон ва Тожикистон меҳнаткашлари қадимдан қардошларча дўстлик алоқалари билан боғланганлар. «Оқ олтин» ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа маҳсулотларидан мўл ҳосил етиштириш учун курашаётган икки республика деҳқонларининг анъанавий мусобақаси мўлжалланган режаларни эгаллашда бизга ҳамиша ёрдам бериб келмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарори, КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил май Пленуми қарорлари, янги Конституция лойиҳасининг бутун халқ томонидан муҳокама қилиниши республикаларимиз қишлоқ хўжалик меҳнатчиларининг сиёсий активлиги ва меҳнат гайратини ошириб юборди. Улар партия ва ҳукуматнинг оталарча ғамхўрлигига жавобан барча турдаги маҳсулот етиштиришни кўпайтириб, юбилей йилини меҳнатда янгидан-янги ғалабалар билан нишонлаш учун эҳтиёт ва гайрат билан фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Шу нарсани таъкидлаб ўтиш қувончлики, Ўзбекистонда деҳқончиликнинг асосий тармоғи бўлган пахтачиликни ривожлантириш интенсивлаш йўлидан бормоқда. Қишлоқ меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати раҳбарлигида деҳқончилик маданиятини ошириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни янада ихтисослаштириш ва концентрациялаш, комплекс механизациялаш ва химиялашни кенг жорий этиш, янги ерларни ўзлаштириш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳасида катта иш қилмоқдалар.

Бизнинг ўзаро текшириш делегациямиз Андижон, Фарғона, Сурхондарё ва Сирдарё областларининг қишлоқ хўжалик ходимлари бешинчи йиллигининг иккинчи йилида ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганликлари билан танишиб чиқди.

Бригада аъзолари деярли ҳамма колхоз ва совхозларда бўлиб, ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳолати, чорвачиликнинг ривожлантирилиши билан танишдилар, колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, мутахассислар, олимлар, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари билан амалий суҳбатлашдилар.

Биз шу нарсани мамнуният билан қайд қиламизки, шу йил баҳорда об-ҳаво шароитлари ноқулай келганига қарамай, ғўза тупларининг яхши зичлиги таъминланди, хўжаликларнинг кўпчилигида пахта, донли экинлар, озуқабоп экинлар, сабзавот, узум ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштирилмоқда, жамоат чорвачилиги муваффақиятли ривожланмоқда.

Бизни Денов, Сариосиё, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Избоскан, Хўжаобод, Ленин, Қува, Ленинград, Киров, Оқолтин районларидаги хўжаликларда ғўзаларнинг ҳолати ғоят қувонтирди. Бу районларда мўл ҳосил етиштириш учун кураш олиб борилмоқда.

Кўпгина колхоз ва совхозларда дала меҳнаткашлари учун яхши шароитлар яратиб берилган, хўжаликларда шинам дала шийпонлари бўлиб, улар пропаганда ва ташкилотчилик ишн марказларига айлантирилган. Болалар учун қулай шароитлар яратишга кўп эътибор берилмоқда. Типовой болалар боғча ва яслилари ҳамда мактаблар қурилмоқда. Кооператив ва қишлоқ қурилиши кенг кўламда олиб борилмоқда, қишлоқларни ободонлаштириш юзасидан бошқа тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Колхоз ишлаб чиқаришнинг ветеранлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Абдусамат Тиллабоев билан Бобомурод Омонов раҳбарлик қилаётган Избоскан районидаги «Партия XX съезди» ва Сарисиё районидаги «Коммунизм» колхозларида хўжалик ишлари анчагина яхши олиб борилмоқда. Бу хўжаликлар ҳар гектар ердан йил сайин 40 центнердан ошириб пахта олмоқдалар, ҳосилнинг кўп қисмини машиналар ёрдамида термоқдалар.

Биз Андижон область Қўрғонтепа районидаги «Савай» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Найни Маматқодиров бошчилик қилаётган маккажўхорикорлик бригадасининг иш тажрибаси билан ғоят қизиқиб танишдик. Бу бригада 120 центнерлик дон ҳосили етиштириш учун бошланган ҳаракатнинг ташаббускоридир. Областдаги барча маккажўхорикорлик бригадалари бу ташаббусни қўллаб-қувватладилар.

Биз ўзимиз билан Тожикистонга кўпгина яхши, ибратли ва фойдали тажрибаларни олиб кетаётганлигимизни англаш қувончлидир.

Лекин биз ўзаро текшириш бригадамиз аниқлаган камчиликлар тўғрисида лом-мим демасак, яхши мусобақадош ўртоқлар бўлмас эдик. Ана шу нуқсонларнинг ҳаммаси ўзаро текшириш жараёнида область, район партия ва совет органлари томонидан оператив кўриб чиқилиб, уларни бартараф этиш юзасидан конкрет чоралар кўрилди. Фарғона, Сирдарё ва Сурхондарё областларидаги бир қанча хўжаликларда кўплаб культиваторлар ишламаяпти. Шу билан бирга бу ерда бегона ўтлар босган далалар ҳам учраб туради. Гагарин, Олтиариқ, Қува, Ворошилов, Пахтаобод ва бошқа районларнинг айрим хўжаликларида агротехника қоидалари бузилаётганлиги аниқланди.

Бу йил Ўзбекистон пахтакорлари ҳосилнинг етмиш процентидан кўпроғини машиналар билан теришга мажбуриятини олдилар. Биз кўпгина донгдор механизаторлар билан суҳбатлашдик. Уларнинг тажрибаси республикамизда ҳам кенг ёйилган. Улар ипатоволик механизаторларнинг тажрибасидан фойдаланиб, машина теримини қисқа муддатларда сифатли ўтказиб, ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажариш ниятидадирлар.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш, концентрациялаш ва хўжаликлараро кооперациялаш кенг ривож топган. Агросаноат бирлашмалари, молларни сўқимга боқадиган, ғунажинларни парвариш қилиб етиштирадиган ихтисослаштирилган хўжаликлар ташкил қилинди, кўпгина сут-товар комплекслари, паррандачилик фабрикалари ишлаб турибди ва қурилмоқда.

Биз маккажўхори, лавлаги ва бошқа озуқабоп экинлар аралаш етиштирилаётган ажойиб далаларни кўрдик. Суғориладиган ерлардан самарали фойдаланилмоқда. Кўпгина колхоз ва совхозлар биринчи ҳосилни йиғиштириб олиб, такрорий экинларни парвариш қилмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати суғориладиган ерларда дон етиштиришни кўпайтириш юзасидан қатъий чораларни кўрмоқдалар. Кўпгина колхозлар, совхозлар ва бригадалар ҳар гектар ердан 100 центнердан ва ундан ошириб маккажўхори дони олиш учун курашмоқдалар.

Ўзбек қишлоғининг маданияти ҳам юксалиб бормоқда. Биз Андижон, Фарғона ва Сирдарё областларининг дашт жойларида, шаҳар типидаги обод посёлкалар қад кўтараётганлигини зўр хурсандчилик билан кўрдик.

Текширишимиз натижалари область ва район партия комитетларининг кенгайтирилган бюро мажлисларида муҳокама қилиниб, улар асосида қайд қилинган камчиликларни бартараф этиш юзасидан оператив чоралар кўрилди.

Биз ўзаро текшириш давомида ажойиб кишилар, пахтачилик миришкорлари билан учрашдик, дўстларнинг тажрибаси билан бойидик, бу эса бизга республика олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажаришда ёрдам беради.

Биз аминмизки, қардош Ўзбекистон далалари ва фермаларининг меҳнаткашлари республика партия ташкилоти раҳбарлигида КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди тарихий қарорларини муваффақиятли бажариш учун ўзларининг бутун куч, билим ва тажрибаларини сарфлайдилар. Улар социалистик мусобақани ҳар томонлама авж олдириб, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида янгидан-янги муваффақиятларга эришадилар.

МУСОБАҚА—МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

К. САХАТМУРОДОВ,
Туркманистон ССР қишлоқ хўжалиги министри.

Ўзбекистон ва Туркманистон пахтакорларининг анъанага айланган мусобақаси жуда катта сафарбарлик кучига эга бўлиб, республикаларимиз халқларининг мустаҳкамланаётган ва ривожланаётган қардошлигига хизмат қилади, экономика ва маданиятни янада юксалтириш энг муҳим вазифаларини ҳал этишда бузилмас дўстлигимиз ва ўзаро ёрдамимизнинг ёрқин ифодасидир. Ҳар бир учрашувимиз, зиммага олинган мажбуриятлар қандай бажарилаётганлигини ҳар галги ўзаро текшириш бизни қимматли тажрибалар билан бойитади, пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришдаги резервларни янада тўлароқ топиш ва улардан фойдаланишга ёрдам беради.

Пахтакор республикаларнинг ўзаро текшириш бригадалари бепоён мамлакатимизда Улуғ Октябрь революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақаси кенг қулоч ёйган кунларда ўз ишларини ўтказганликларининг чуқур маъноси бор.

Ривожланган социалистик жамият тарихий ғалабаларини акс эттирувчи ҳаётимиз Асосий Қонуни лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси авж олдириб юборилганлиги совет халқининг Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига чексиз садоқати ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида метиндек жипслигининг ёрқин намойишига айланиб кетди.

Қардош Ўзбекистон халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида юбилей йилини ишлаб чиқаришда янги-янги муваффақиятлар билан нишонлаш иштиёқи, меҳнат ғайрати ва сиёсий активликни юксалтириб юборганлигини таъкидлашдан айниқса хурсандмиз. Республика халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планининг 1977 йил биринчи ярмида бажарилиш якунларининг матбуотда эълон қилинганлиги буни яққол кўрсатади.

Кейинги йилларда қардош республика қишлоқларининг меҳнаткашлари сув хўжалиги қурилишида, янги ерларни ўзлаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишда катта-катта муваффақиятларга эришдилар. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон мамлакат пахтачилигининг энг катта базаси бўлишгина қолмай, шу билан бирга дон, сабзавот, полиз, ҳўл мева, узум, пилла ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириб берадиган энг муҳим республикалардан биридир.

Республикада партиямизнинг бош йўли — агросаноат интеграцияси ва хўжаликлараро бирлашмалар асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаш ва концентрациялашни амалга ошириш борасида ўтказилаётган ишчил ва собитқадам ишларни айниқса таъкидлаб ўтишни истардик.

Шулар туфайли деҳқоннинг қўл меҳнатига асосланган кўҳна ҳунари индустриал меҳнат турларининг бирига айланиб бормоқда. Ўзбекистонда қишлоқ маданиятининг, колхозчилар ва совхоз ишчилари фаровонлигининг ўсаётганлиги йил сайин кўзга тобора яққолроқ ташланмоқда.

Туркманистон вакиллари Қорақалпоғистон Автоном Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Қашқадарё областларининг пахта далалари ва чорвачилик фермаларида бўлдилар. Бу областларнинг пахтакорлари юбилей йилида икки миллион тоннага яқин пахта етиштириб давлатга сотиш мажбуриятини олганлар.

Қорақалпоғистон АССР Тўрткўл ва Беруний районларининг, Қашқадарё областидаги Шаҳрисабз ва Китоб районларининг, Хоразм областидаги Гурлан ва Хазорасп районларининг, Бухоро областидаги Ғобкент ва Ромитан районларининг деҳқонлари экинлар парваришини яхши олиб бормоқдалар. Натижада улар зиммаларига олган оширилган социалистик мажбуриятларини бажариш учун мўл ҳосил тўплай оладилар.

Туркманистон ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари қишлоқ меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев юбилей йили ҳосили ўрим-йиғимини муваффақиятли ўтказиш юзасидан Ипатово партия ташкилотига юборган мактубини нечоғли баланд руҳ ва ишчанлик билан муҳокама қилаётганликларининг гувоҳи бўлдилар. Бу ишда Оқолтин район партия комитетининг пахта, маккажўхори, бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ўримйиғимини ва уларни тайёрлашни қисқа муддат ичида ўтказиш борасидаги тадбирлари ғоят жиддий эътиборга сазовор.

Ғўзани ўз вақтида сифатли чеканка қилиш ҳосил тўплашнинг энг муҳим агротехника усулларидан биридир. Афсуски, биз борган хўжаликларда шу агрономик тадбир йўл қўйиб бўлмайдиган даражада чўзиб юборилганлигини кўрдик. Механизмлар воситасида чеканка қилишнинг аҳамияти асоссиз равишда камситиляпти. Қишлоқ хўжалиги министрлиги билан «Узсельхозтехника»даги ҳамкасбларимиз ғўзани чеканка қилиш суръатларини жадаллаштириш борасида зарур чораларни кўрадилар, деб ўйлаймиз.

Ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари баъзи хўжаликларда культивация сифати паст бўлганлигини ҳам қайд этдилар. Баъзи жойларда ғўза юза чопиқ қилинган, чунки культиваторнинг ишчи органлари ростлаб туширилмаган. Бегона ўт босган далалар ҳам оз эмас. Сувдан норационал фойдаланиш ҳоллари ҳам учрайди.

Пахта терим техникасини мавсумга тахт қилиш тўғрисида бир неча оғиз гапирайлик. Юбилей йилида ҳосилнинг 70 процента машинада теришга қарор қилинган. Колхоз ва совхозлар, қишлоқ хўжалик органлари шу вазифани ҳал қилиш борасида маълум ишларни бажаргандар. Аммо Бухоро областининг Навоий, Свердлов, Ғиждувон районларида, Қашқадарё областининг Нишон, Чироқчи районларида пахта терим агрегатларининг ремонти сусткашлик билан ўтказилмоқда.

Мусобақадош дўстларга хурсандчилик билан шуни маълум қиламизки, КПСС XXV съезднинг, партия Марказий Комитетининг 1977 йил май Пленуми, СССР Олий Советининг VI сессиясининг тарихий қарорларидан руҳланган Туркманистон қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари ўнинчи беш йиллик иккинчи йили топшириқларини муваффақият билан бажармоқдалар.

Бу йил пахтакорларимиз айниқса катта қийинчиликларни енгиб ўтишларига тўғри келди. Амударё суви ниҳоятда камайиб кетганлиги чигит экишда аҳволни қийинлаштирди. Тошовуз области районларида чигит одатдаги муддатларга нисбатан қарийб бир ой кечиктириб экилди. Ғўза парваришини бошланиши билан республика жанубидаги дарёларнинг суви бирданига камайиб кетди. Кўрилган чоралар туфайли табиат инжиқликлари келтириб чиқарган қийинчиликларни енгиб ўтиш мумкин бўлди. Ҳозирги вақтда қишлоқ меҳнаткашлари 1 миллион 85 минг тонналик Туркманистон пахтаси учун қаттиқ кураш олиб бормоқдалар.

Биринчи ярим йиллик якунлари бўйича чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш планлари муваффақиятли бажарилди. Қорақўл тери тайёрлаш йиллик плани ошириб адо этилди. Жамоат чорвачилиги маҳсулдорлиги ва чорва моллари бош сони оширилди.

Мусобақадош дўстлардан анчагина қимматли тажрибалар ўргандик. Ўзбек ҳамкасбларимизнинг орттирган бу тажрибалари янада яхшироқ ишлашимизга, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда янги-янги муваффақиятлар билан кутиб олишимизга ёрдам беради.

Журналларнинг янги сонларида

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»

журналининг июль ойи сони босмадан чиқди. У СССР Олий Советининг ўртоқ Л. И. Брежневни СССР Олий Совети Президиумининг раиси қилиб сайлаш тўғрисидаги қарори билан очилади. Журналда ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленумида СССР Конституцияси лойиҳаси тўғрисида қилган доклади ҳамда СССР Конституциясининг лойиҳаси босилган. «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси 9-шахтасининг кон ишчиси Л. Загорский, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳисоблаш марказий кибернетика институтнинг директори В. Қобулов журналда СССР Конституцияси лойиҳаси ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан қатнашганлар. «Ривожланган социализм социал-иқтисодий проблемалари» бўлимида Шаҳрисабз район партия комитетининг биринчи секретари Н. Ҳикматов, Ўрта Осиё Ипакчилик илмий-тадқиқот институтининг директори М. Ғаниева ўртоқларга минбар берилган. Улар ўз мақолаларида ишлаб чиқариш резерваларидан тўла фойдаланиш, ипакчиликни янада ривожлантириш ҳақида фикр юритадилар. «Идеология, фан, маданият» бўлимида Бухоро область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири А. Музаффаров атеистик пропаганда мавзуидаги мақоласи билан қатнашган. Журналда РСДРП (б) VI съезднинг 60 йиллиги муносабати билан тарих фанлари кандидати И. Исомиддиновнинг «Партиянинг қуролли қўзғолон сари тутган йўли» сарлавҳали мақоласи эълон қилинган. «Правда Востока» газетаси нашр қилина бошланганига 60 йил тўлди. Шу муносабат билан журналда газета редактори Н. Тимофеевнинг «Правда Востока» газетасининг босиб ўтган катта ва шонли йўли ҳақида ҳикоя қилувчи мақоласи берилган. Булардан ташқари журналда Я. Э. Рудзутак туғилган кунининг 90 йиллиги муносабати билан тарих фанлари кандидати Р. Ражабованнинг «Содиқ ленинчи большевик», «Ҳозирги дунёда ғоялар кураши» рубрикаси остида тарих фанлари доктори Х. Иноятовнинг «Буржуа сохталаштирувчиларининг уйдирмалари ва ҳақиқат» сарлавҳали мақолалари ҳам босилган.

«ПАРТИЯ ТУРМУШИ»

журналининг июль ойи сони СССР Олий Советининг ўртоқ Л. И. Брежневни СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайлаш тўғрисидаги қарори билан очилади. Журналда СССР Конституцияси лойиҳаси, ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленумида қилган доклади, шунингдек, ушбу доклад ҳамда СССР янги Конституциясининг лойиҳаси юзасидан лекциялар, докладлар ва суҳбатларнинг намунали тематикаси босилган. Журнал саҳифаларида СССР Конституциясининг лойиҳаси ҳақида турли соҳа кишиларининг фикр ва мулоҳазалари билан ҳам танишиш мумкин. Журналда республика партия ташкилоти активи йиғилиши ҳақидаги ахборот ва актив йиғилишининг карори ҳам босилган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «КПСС XXV съезди қарорлари асосида пропагандист кадрларни танлаш ва ўқитишни такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Ушбу қарор журнал саҳифаларида эълон қилинган. «Хўжаликка раҳбарлик» рубрикаси остида Янгийўл район партия комитетининг биринчи секретари А. Алимов «Ҳал қилувчи давр бошланди», «Ташметрострой» трести парткомининг секретари В. Артюшенко «Метросозлар» ваъдага вафо қилмоқдалар» сарлавҳали мақолалари билан қатнашганлар. «Ташкилий-партиявий иш» рубрикаси остида танқид ва ўзўзини танқид, партия йиғилишларининг ролини янада ошириш мавзуларидаги мақолалар ўрин олган. Журналда коммунистларнинг саволларига берилган жавоблар билан танишиш мумкин. Хоразм область партия комитетининг секретари Г. Ёқубова «Идеология иши ва ҳаёт» рубрикаси остида оммавий ахборот воситаларига партиявий раҳбарлик, Бухоро область партия комитети сиёсий маориф уйининг мудири М. Муҳиддинов сиёсий ва иқтисодий ўқишнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш мавзуидаги мақолалари билан қатнашган. Журналда, шунингдек, республика партия ташкилотлари ҳаётига доир материаллар билан ҳам танишиш мумкин.

Фарғона области. «Партия XXII съезди» колхозининг меҳнатсевар пахтаюрлари оқолтинликлар ташаббусига қўшилиб, ғўза парваришини қизғин олиб бормоқдалар. Қишлоқ хўжалик техникаси мавсумга тайёр қилиб қўйилган.

Суратда: 16-бригаданинг илғор механизатори Ғ. Эргашев ғўзани машинада чеканка қилмоқда.

Г. БОЙКО фотоси. (ЎзТАГ).

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ҲАЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ

СССР янги Конституциясининг лойиҳаси совет халқи эришган тарихий социал-иқтисодий ютуқларни акс эттиради. Конституцияда мамлакатда ривожланган социалистик жамият қурилганлиги мустаҳкамлаб берилган. Бу жамиятда халқ фаровонлиги доимо ошиб бормоқда, шаҳснинг ҳар томонлама ривожланиши учун тобора қулай шарт-шароитлар яратилмоқда.

Лойиҳа жамиятимизнинг социал қиёфаси тубдан ўзгарганлигига асосланади. Ҳозир амалда бўлган Конституция қабул қилинган 1936 йилда мамлакат аҳолиси составида ишчилар ва хизматчилар 45,7 процентни, колхозчилар ва кооперациялашган ҳунармандлар 48,8 процентни, яккахол деҳқонлар ва кооперациялашмаган ҳунармандлар 5,5 процентни ташкил этган эди. 1976 йилда аҳолининг 83,6 процентини ишчилар билан хизматчилар ва 16,4 процентини колхозчи деҳқонлар ташкил этди. Ишчилар синфи эндиликда мамлакат аҳолисининг учдан икки қисмини ташкил этади.

Совет жамияти ривожининг социал масалалари янги Конституция лойиҳасининг энг муҳим таркибий қисмидир. Бу масалалар комплекс равишда кенг ифодаланган бўлиб, ижтимоий ишлаб чиқариш ва совет давлатининг олий мақсади ҳамда бош вазифаларини, гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, социал сиёсат, инсон фаолиятининг турли соҳаларини — меҳнат ва унга тўланадиган ҳақни, турмушни, халқ фаровонлиги даражасини ҳамда совет ишларининг ҳаёт тарзи тушунчаларини ўз ичига олади.

Совет давлатининг олий мақсади синфсиз коммунистик жамият қуришдан иборат эканлиги, социализм шароитида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг олий мақсади эса, кишиларнинг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини энг кўп даражада қондиришдан иборат эканлиги Конституцияда биринчи марта таъкидланади. «Ҳар бир кишининг бахт-саодати тўғрисида ҳамманинг ғамхўрлик қилиш ва ҳамманинг бахт-саодати тўғрисида ҳар бир кишининг ғамхўрлик қилиши» совет жамияти ҳаётининг қонуни қилиб олинган. Мазкур қоидаларнинг Конституцияда мустаҳкамланганлиги совет жамиятининг бундан буёнги ривожланиши учун жуда катта социал-сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эгадир.

СОВЕТ ЖАМИЯТИ РИВОЖИНИНГ СОЦИАЛ МАСАЛАЛАРИ

Л. А. КОСТИН,
СССР Министрлар Совети меҳнат ва социал масалалар давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари

Конституция лойиҳаси ҳар бир совет киши ҳаётига ғоят алоқадор бўлган социал-иқтисодий ҳуқуқлар кенг комплексини ўз ичига олади. Булар меҳнат қилиш, дам олиш, соғлиқни сақлаш, социал таъминот, билим олиш, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи, совет кишиларининг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларидан иборат. Шу билан бирга гражданлар ҳуқуқларининг мазмуни янада чуқурроқ, бу ҳуқуқлар берадиган моддий гарантиялар эса янада тўлароқ, салмоқлироқ бўлиб қолди. Масалан, ҳозирги Конституцияда баён қилинган меҳнат қилиш ҳуқуқи қизиқиши, қобилияти, профессионал тайёргарлиги, билимига мувофиқ ҳамда ижтимоий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда касб танлаш, машғулот ва иш турини танлаш ҳуқуқи билан тўлдирилди.

Булар совет кишиларига мамлакатимизда меҳнаткаш инсон ҳамиша ўзининг қуввати ва қобилиятини ишга солиш имкониятига эга эканлигига янада кўпроқ ишонч бағишлайди.

Социал таъминот ва билим олиш соҳасидаги ҳуқуқлар анча кенгайтирилди. Агар 1936 йилда Конституцияда касал бўлиб қолган ва меҳнат қобилиятини йўқотган пайтда моддий таъминланиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб берилган бўлса эндиликда масала кенгроқ равишда қўйилмоқда — бу ҳуқуқ қариганда, инвалид бўлиб қолганда ва боқувчисиз қолганда пенсиялар олиш, вақтинчалик иш қобилитини йўқотганида нафақалар олиш, меҳнат қилиш қобилиятини қисман йўқотган гражданларни иш билан таъминлаш, ёлғиз қолган қариялар ва инвалидлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш билан гарантияланади. Билим олиш ҳуқуқини умумий тарзда эълон қилган ҳозирги Конституциядан фарқли равишда янги Асосий Қонун лойиҳасида гап умумий мажбурий ўрта таълим тўғрисида, ҳунар-техника таълими ҳамда олий таълимни кенг ривожлантириш тўғрисида боради.

Конституция лойиҳасида совет гражданларининг шундай ҳуқуқи тўғрисида ҳам гап борадики, бу ҳуқуқ ҳозир амалда бўлган Конституцияда ёзилган эмас. Бу ҳуқуқ уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқидан иборат. Бу социализмнинг жуда катта ютуқларидан биридир. Совет ҳокимияти йилларида умумий саҳни қарийб уч миллиард квадрат метрдан иборат бўлган уй-жойлар қурилди. Айниқса кейинги йилларда қурилиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Ўтган 15 йил ичида умумий саҳни 1,5 миллиард квадрат метрдан ортиқ уй-жой қурилди. Мамлакатимиз аҳолисининг учдан икки қисми янги уйларга кўчиб кирди ва ўзининг уй-жой шароитларини яхшилаб олди. Бизда квартира ҳақи 1928 йилдан буён ўзгармай келмоқда ва дунёда энг кам тўланадиган ҳақ ҳисобланади.

Конституция лойиҳасига «Социал ривожланиш ва маданият» деган махсус боб биринчи марта киритилган. Ушбу боб ўзига хослигининг асоси шундан иборатки, унда эришилган ютуқларгина конституцион жиҳатдан мустаҳкамланиб қолмай, балки Совет давлати социал сиёсатининг бундан кейинги бош йўналишлари ҳам белгилаб берилган.

Мазкур бобда кўрсатиб ўтилганидек Совет давлати жамиятнинг социал бир хиллигини кучайтиришга кўмаклашади. Бунга эса иш ҳақи билан даромадлар даражасини бир-бирига яқинлаштириш бутун аҳолининг умумий таълим ва маданий даражасини ўстириш йўли билан эришилади. Фан-техника тараққиёти, билим даражасининг ўсиши негизида ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат бир-бирига яқинлаша боради. Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги жиддий тафовутлар йўқолиб боради. Қишлоқ хўжалигидаги меҳнатнинг индустриал меҳнатнинг бир турига айланиши, қишлоқ жойларда халқ маорифи, маданият, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат кўрсатиш, савдо-сотиқ ва коммунал хўжалик муассасалари тармоқларининг кенгайиб бориши, қишлоқларнинг обод посёлкаларга айланиш программаси изчил амалга оширилмоқда.

Янги Конституция лойиҳасида меҳнат шароитларини яхшилаш тўғрисида, оғир қўл меҳнатини қисқартириш, кейинчалик эса ишлаб чиқаришни механизациялаш, ва автоматлаштириш негизида уни бутунлай сиқиб чиқариш тўғрисида давлат қилаётган ғамхўрлик таъкидланади. Ҳозирги вақтда саноатда 130 мингга яқин механизациялашган поток ва автоматлашган линиялар, 71 мингдан ортиқ комплекс механизациялашган корхоналар, участкалар ва цехлар бор. Ўтган 40 йил мобайнида меҳнатни энергия билан таъминлаш 7 баравардан ҳам кўпроқ ошди. Бизнинг мамлакатимиз ишлаб чиқаришда жароҳатланиш даражаси энг кам бўлган мамлакатлар қаторига киради.

Социал сиёсатни амалга ошириш йўллари ва воситалари конституцион тартибда биринчи марта белгилаб берилди. Шу нарса таъкидланадики, давлат меҳнат унумдорлиги ўсишига мувофиқ равишда меҳнатга ҳақ тўлаш даражасини, меҳнаткашларнинг реал даромадларини ошириш йўлини оғишмай амалга оширмоқда. Бу йўл ишчиллик билан ўтказилмоқда. Ишчи ва хизматчиларнинг пул билан белгиланадиган ўртача ойлик иш ҳақи 1940 йилдаги 33 сўм ўрнига 1976 йилда 155 сўмни ташкил этди. Ижтимоий истеъмол фондларидан олинадиган тўловлар ва имтиёзлар янада кўп даражада ортди. Саккизинчи ва тўққизинчи беш йилликлар мобайнида аҳолининг реал даромадлари 65 процент кўпайди. Ўнинчи беш йилликда реал даромадлар 21 процент кўпаяди. Конституция лойиҳасида ижтимоий истеъмол фондларидан қайси мақсадлар учун фойдаланиш кераклиги белгилаб берилган.

Янги Конституция лойиҳасида СССРда соғлиқни сақлаш, социал-таъминот, маиший хизмат, умумий овқатланиш ва коммунал хўжалик давлат системалари тобора кенг ривожланмоқда. Қўйидаги мисоллар шундан далолат беради: 40 йил давомида касалхоналардаги ўринлар сони 550 мингтадан 3 миллиондан ҳам кўпроқ ортди. 1936 йилда ҳар юз минг аҳолига 66 врач тўғри келган бўлса, 1976 йилда 335 врач тўғри келди. Бу ҳар қандай капиталистик мамлакатдагига нисбатан анча кўпдир. Урушгача бўлган даврда ҳар минг ишчидан 44 киши олий ва ўрта (тўлиқ ва тўлиқсиз) маълумотли эди, 1976 йилда эса бу рақам 664 кишини ташкил этди.

Ҳозир мамлакатда 1,3 миллионга яқин илмий ходим ёки жаҳондаги барча илмий кадрларнинг тахминан тўртдан бир қисми ишлаб турибди.

Конституция лойиҳасида СССР гражданларининг ҳуқуқлари билан бир қаторда уларнинг бурчлари ҳам таърифлаб берилган. Бизда ижтимоий фойдали меҳнат ва унинг натижалари инсоннинг жамиятдаги ўрнини белгилайди. «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша» принципига биноан давлат меҳнат қилиш даражаси ҳамда истеъмол даражаси устидан назоратни амалга оширмоқда. Ҳар бир совет киши ҳуқуқларининг бош гарантияси — Ватанимизнинг янада ривожланиши ва гуллаб яшнашидан иборат. Шу сабабли СССРнинг ҳар бир граждани виждонан меҳнат қилиши, социалистик мулкни авайлаб асраши ва мустаҳкамлаши, социалистик Ватанни ҳимоя қилиши, давлат олдидаги ва халқ олдидаги ўз бурчини ҳалол бажариши лозим.

Гражданларнинг Совет давлати манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг куч-қудратини мустаҳкамлашга ёрдамлашиш, давлат ва жамоат мулкини ўғирлаш ва исроф қилишликка қарши курашишдан иборат бурчлари Конституцияда биринчи марта таърифлаб берилган.

Янги Конституция лойиҳаси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг халқ ҳаёти ва фаровонлиги тўғрисида қилаётган ғамхўрлигининг ёрқин ифодаси, унинг «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» деган программ шиори амалга оширилаётганлигининг янги далилидир.

Ҳамид ҒУЛОМ,
Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати.

СЕВ, ҚАДР ҚИЛ!

Сенга берилган бу ҳуқуқ, ватандош,
Инсоний камолот тароватдир.
Қалбингни, онгингни ёритган Қуёш
Даврининг ленинча адолатдир.
Олтин китобимиз — Асосий Қонун
Бошингни кўтарди кўкларга қадар.
Сенинг Бахтинг унга ҳаётий мазмун,
Бинобарин, Бахтинг ундан мунаввар.
Умр — отилган ўқ, елдирим, учқур,
Этагидан ушла ва манфаат топ!
Буюк қонунингни ўргангил чуқур,
Ҳали йўқ бу каби муқаддас китоб.
Сен ҳар бир сўзининг маъзини чақиб,
Дилингга нақш этгил ҳар бир сатрини,
Онгингда иқболинг чароғини ёқиб,
Баланд тут бу эзгу шуъла қадрини!
Сенга насиб этган ҳуқуқлар буюк,
Инқилоб ва замон этмишдир инъом,
Зарра-заррасини сен билиб суюк,
Кўз қорачиғидай асрагил мудом.
Ҳуқуқ бир дарёдир, унинг қудрати
Қуйилиб тургувчи ирмоқлардан жам.
Сизу биз — ирмоқлар,
Совет давлати
Шу улуғ бирликдан мукаммал, кўркам.
Мумкинми ажратмоқ тан билан жонни!
Партия билан халқ — ягона вужуд.
Қуёшдан ажратмоқ мумкинми тонгни!
Инсон, эрк бирлиги мангу, беҳудуд.
Ватан ишқи билан ҳаётдир юрак,
Унга меҳнатимиз, жонимиз фидо.
Бизникидир, бу давр, ёрқин келажак,
Бизникидир мангу эрк — сўнмас зиё.

Қарши районидаги «Ленинизм» совхози меҳнаткашлари бу йил ҳар қачонгидан ҳам мўл маккажўхори дони олиш учун курашмоқдалар. Бу курашда комсомол-ёшлар бригадалари айниқса, ғайрат кўрсатишмоқда.
Суратда: илғор бригада бошлиғи С. Мусаев (чапда) ва Н.Омонов далада.
Т. КАРИМОВ фотоси.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

ОЛИС ТАРИХ САДОСИ

Ўзбек совет адабиётшунослик фани яна бир улкан тадқиқот билан бойиди. Филология фанлари кандидати И. Абдуллаев Беруний ва Ибн Синолар замондоши Абу Мансур Ас-Саолибийнинг (961 — 1038) араб тилида ёзилган машҳур тазкираси — «Ятимад ад-даҳр фи маҳосин аҳл ал-аср» («Аср аҳлининг фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси») нинг Хуросон ва ўрта осиёлик шоирларга тегишли бўлган тўртинчи қисмини ўзбек тилига изоҳ ва шарҳлар билан таржима қилиб нашрдан чиқарди.

Ас-Саолибий тўрт қисмдан иборат бу асарида X-XI асрда Яқин Шарқда ва Ўрта Осиёда яшаб, араб тилида шеър ёзган 415 дан ортиқ ижодкор ҳақида маълумот беради ва уларнинг шеърларидан намуналар келтиради.

И. Абдуллаев мазкур тазкиранинг Ўрта Осиё ва Хуросонга оид тўртинчи қисмини ўрганар ва таржима қилиб, нашрга тайёрлар экан, айни вақтда умуман бу асар юзасидан чуқур тадқиқот иши ҳам олиб борган. Китобнинг бош қисмидаги бу тадқиқот билан танишар эканмиз, унинг муаллифи Ас-Саолибийнинг ҳаёти, илмий фаолияти, муҳим асарларининг бош мундарижаси ва етакчи хусусиятлари, араб адабиётида тазкиранавислик анъаналари, «Ятимат ад-даҳр»нинг ёзилиш тарихи ва мазмуни, унинг қўлёзма ва босма нусхалари ҳамда шарқшунослик фанида ўрганилиш даражаси ҳақида батафсил маълумот беради. Тадқиқотчи тазкиранинг ўзи махсус ва атрофлича текширган тўртинчи қисмидаги Хуросон ва Ўрта Осиёлик 124 шоир ҳақида гапирар экан, уларнинг қайси сабаблар билан араб тилида ижод қилганларини, бунинг тарихий изоҳларини ҳам тўғри кўрсатишга эришган.

Биз мазкур нашр туфайли энди X-XI асрларда ўлкамизда аввало Хоразм, Бухоро, Тошкент, Марв каби қадимги йирик марказларда адабий ҳаёт анча юқори савияда бўлганига, номлари шу вақтга қадар бизга номаълум бўлган кўпгина талантли шоирлар яшаганига ишонч ҳосил қиламиз.

Тадқиқотчи диққат марказида ҳақли равишда юқорида зикр этилганлар каби асли Ўрта Осиёлик ижодкорлар туради, улар фаолияти ва асарлари хусусида мумкин қадар муфассалроқ маълумотлар беришга интилади.

Тазкирада фақат шеъриятга, адабий ҳаётга доир маълумотлар эмас, балки, ўша даврнинг ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётига, ижтимоий фикр тарихига доир ҳам бошқа манбалардан топиш мумкин бўлмаган маълумотлар бор.

Бу тазкира яна шуни кўрсатадики, X-XI асрларда Хуросон ва Мовароуннаҳрда араб тилида яратилган барча илмий адабиёт ерли анъаналар билан бир қаторда араб адабиёти, хусусан, шеърияти анъаналарига яқин турган ҳолда ривожланган.

И. Абдуллаев мазкур тазкира устида узоқ йиллар давомида иш олиб борди ва, натижада, фақат ўзбек адабиёти тарихидагина эмас, бадиий бутун Ўрта Осиё халқлари адабиётлари тарихидаги маълум бир бўшлиқни тўлдирди.

И. Абдуллаев оригинал текстини ўз таржимасида мумкин қадар тўла ва тўғри беришга интилган. Фақат баъзи ўринларда киши номларининг бир хил қоида асосида ёритилмагани, айрим арабий сўз ва терминларни таржима қилмай бергани, бизнингча, тўғри бўлмаган. Масалан, 235-бетдаги яхши одам, маъқул одам маъносидаги «солиҳ» сўзини, арабчада қандай бўлса, шундай берган. 369-бетдаги «ибсос» сўзини ҳам таржима қилиб берилса бўлар эди. 316-бетдаги «Менинг нафсим сабрдан кўра гўрга кўпроқ шошади...» жумласидаги «нафс» сўзини эса «вужудим» деб берилса, бизнингча, тўғрироқ чиқарди.

Лекин булар жузъий камчиликлар, албатта.

Ҳулосада И. Абдуллаевни бу ютуқ билан табриклар эканмиз, унинг кўп йиллик илмий меҳнати самарасини китобхонлар қўлига сифатли ҳолда етказишда «Фан» нашриётининг ҳам жиддий хизматини таъкидлаб ўтишни лозим кўрамиз.

А. ҲАЙИТМЕТОВ,
филология фанлари доктори, профессор.
А. АБДУҒАФУРОВ,
филология фанлари доктори.

Оламда нима гап
ХАЛҚАРО ОБЗОР

МОЖАРОНИНГ БОИСИ НИМА?

Кейинги хабарларга қараганда, Миср—Ливия чегарасида ўт очишни тўхтатиш тўғрисида тузилган битимга риоя қилинмоқда. Жазоир президенти Х. Бумиддиннинг воситачилиги Миср билан Ливиянинг уруш ҳаракатларини тўхтатиш ҳақида бир битимга келишига ва ўз муносабатларини нормаллаштириш йўлларини кидириб топиш учун ҳаракат қилишига ёрдам берди.

Араб мамлакатлари икки давлат ўртасидаги чегарада уруш ҳаракатлари тўхтатилганлигидан мамнун эканликларини изҳор қилганлари ҳолда Миср билан Ливия ўртасида можаро рўй берганлигидан жиддий таассуфланаётганликларини ҳам билдирмоқдалар. Ливанда чиқадиган «Ан-Нидо» газетаси ҳақли равишда таъкидлаб ўтганидек, Миср билан Ливия ўртасидаги тўқнашувлар Араб давлатлари учун жуда катта хавф туғдиради. Зеро ана шу тўқнашувлар араблар-нинг диққат-эътиборини Исроилга қарши, босиб олинган территорияларни озод қилиш ва Фаластин араб халқининг қонуний ҳуқуқларини қайта тиклаш йўлидаги курашдан четга тортади.

Миср — Ливия чегарасидаги бу можаронинг келиб чиқиш сабаби нима? Яқин Шарқдаги ана шу қуролли можаронинг ништари Ливияга қарши қаратилганлигининг боиси шуки, бу мамлакат мустақил сиёсатни амалга оширмоқда, араб халқларининг империализмга қарши олиб бораётган курашига актив ҳисса қўшмоқда. Жазоирда чиқадиган «Ал-Мужтаҳид» газетасининг фикрича, кейинги вақтларда Африкада рўй берган бошқа бир қанча воқеалар каби Миср-Ливия можароси ҳам империализмнинг сиёсати натижасида вужудга келди. «Бундай сиёсатнинг асосий мақсади, — деб таъкидлайди газета, — сиёсий ва иқтисодий мустақиллик йўлидаги курашдан иборат асосий вазифадан халқ оммасининг эътиборини четга тортиш учун араб мамлакатларида кескинликнинг доимий манбаларини вужудга келтиришдир».

Можаро муносабати билан араб мамлакатларининг матбуоти АҚШ арабларнинг бирлигига нифоқ солиш ва «Низоларни бартараф қилишда таслим бўлиш йўлини арабларга мажбуран қабул қилдириш»га интилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Ҳатто буржуазиянинг «Франкфуртер альгемайне» газетаси (ҒФР) ҳам худди шундай хулоса чиқаради: «Миср-Ливия можароси Тель-Авивга арабларни занфлаштириш ва Исроилнинг араб ерларини оккупация қилиб турганлигига жаҳонни кўниктиришга мажбур этиш учун фурсатдан фойдаланиш имконини беради».

Қўйидагиларни таъкидлаб ўтиш ҳам диққатга сазовордир: Англияда чиқадиган «Файнэншл таймс» газетасининг ёзишича, «Ҳужумга узоқ вақт тайёргарлик кўрилганлигини эҳтиёт исбот этувчи далиллар бор. Миср можаро рўй беришига қадар шундай тайёргарликни кўрган эди. Ҳужум қилишга тайёргарлик ишлари олиб борилганлиги тўғрисида Исроилга хабар берилган. Шу билан бирга Тель-Авив дипломатик йўл билан Қоҳирага ваъда бериб, «Миср ва Исроил қўшинларини бир-биридан йироқлаштириш ҳақидаги битимни бузиш учун Мисрнинг Ливия билан қуролли тўқнашувларидан асло фойдаланиш ниятида эмаслиги»ни билдирган. Бу билан, деб хабар беради Исроилнинг «Едиот ахронот» газетаси, «Тель-авив Қоҳирага унинг ҳеч хавфсирамай, қўшинларидан бир қисмини Ливия фронтига юбора олиши мумкин эканлигини шама қилди».

Польша матбуот агентлиги можаронинг сабаблари ҳақида ёзиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: «Садат ички қийинчиликлардан жафо чеккан мисрликларнинг руҳини кўтариш, ғоят кескин тус олган социал ва иқтисодий проблемалардан уларнинг эътиборини четга тортиш учун ҳам Ливияга қарши ҳаракат қилди».

Прогрессив матбуот Миср-Ливия чегарасида рўй берган кейинги воқеалар сабоқларини таҳлил этиб, араб халқлари ўзларининг ҳаққоний иши — 1967 йилда Исроил томонидан босиб олинган араб ерларини озод қилиш учун курашда жипслашишлари зарур эканлигини яқдиллик билан ёқлаб чиқмоқда.

АҚШ ПЛАНЛАРИДА СЕУЛ БИЛАН ТОКИОНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Қўшма Штатларнинг мудофаа министри Г. Браун якинда Сеулда бўлиб, Жанубий Корея диктатори билан музокаралар олиб борди. Ана шу музокаралар арафасида АҚШ штаблари комитетининг бошлиғи Д. Браун Жанубий Кореянинг арбоблари билан учрашди. Президент Ж. Картернинг Америка қўшинларини Жанубий Кореядан олиб чиқиб кетиш тўғрисида берган ва кўкларга кўтариб мақтаган ваъдасига қарамай, ҳар икки Брауннинг музокаралари Сеул режимининг ҳарбий потенциалини оширишга бағишланди. Америка матбуоти буни яширмаётир.

Матбуот хабарларидан маълум бўлишича, Америка қўшинларини Жанубий Кореядан олиб чиқиб кетиш кўп йилларга мўлжалланган. Американинг ҳаммасини олиб чиқиб кетиш кўзда тутилмайди. Дастлабки икки йил ичида Американинг 42 минг солдатидан атиги 6 минг киши олиб кетилади. Бунинг эвазига Америка ҳарбий ҳаво кучларининг бўлинмалари анча кучайтирилади ва янгиланади. «Нью-Йорк таймс» газетасининг ёзишича, бу бўлинмалар Жанубий Кореяда «узоқ вақт» сақланади.

Пентагон Американинг жами 8 миллиард долларлик энг янги қурол-яроғларини, шу жумладан реактив қирувчи-бомбардимончи, разведкачи самолётларни, эсминецларни, ракеталарни Жанубий Кореяга етказиб беришга Оқ уйни кўндиришга ҳаракат қилаётганлиги ҳам маълум.

Шу тарика, фактлар гап Американинг Жанубий Кореядаги қуролли кучларини қисқартириш тўғрисида бормаётганлигини кўрсатиб турибди. Бунинг аксича, Вашингтон Жанубий Кореядаги ҳарбий кучларни кўпайтирмоқда, такомиллаштирмоқда ва модернизация қилмоқда. Шундай қилиб, АҚШ жаҳондаги энг репрессив режимлардан бирини зўр бериб қўллаб-қувватламоқда, бу эса Америка президентининг «инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» тўғрисидаги дабдабали гап-сўзларига тамомила зиддир.

Америка министри Сеулда Ж. Картернинг шахсан ёзган мактубини диктатор Пакка топширди. Ж. Картер Америка сиёсатида «Жанубий Кореяни қўллаб-қувватлашни таъминлаш юзасидан АҚШ ўз зиммасига олган мажбуриятларда ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмади», деди.

Американинг Вьетнамдаги авантюраси барбод бўлганидан кейин Вашингтон Осиёдаги ҳарбий-стратегик планларида оғирлиқ марказини Шарқий Осиёга кўчиришга интилмоқда. Бу планлардан Жанубий Корея билан Япония алоҳида ўрин олади. Жанубий Кореядан чиқиб кетиш ҳақидаги баёнотларга қарамай, Вашингтон бу мамлакатда узоқ вақт қолишни мўлжалламоқда. Қўшма Штатлар «ўзаро ҳамкорлик ва хавфсизлик тўғрисидаги Япония — Америка шартномаси ёрдами билан ўзининг Узоқ Шарқдаги олисни кўзловчи ҳарбий планларига Японияни мумкин қадар мустаҳкамроқ боғлаб қўйишга интилмоқда. АҚШ мудофаа министри Г. Браун «хавфсизлик тўғрисидаги шартнома Осиёдаги асосий сиёсий структурининг ажралмас қисми бўлиб қолиши керак, деб бир неча бор айтди.

Чет эл матбуоти таъкидлаб ўтганидек, Вашингтон — Сеул — Токио ҳарбий иттифоқини вужудга келтиришга эришишни АҚШ ўз олдига мақсад қилиб қўймоқда. Пентагон бошлиғи худди шу мақсадда Жанубий Кореядан Японияга жўнаб кетди.

С. КУЛИК,
О. АНИЧКИН.
(ТАСС).

АФРИКАДАН ДАРАКЛАР

◆ МОЗАМБИК

Малутуда давлат секторига қарашли саноат корхоналарида ишчи ва деҳқонларнинг авангард партияси — Мозамбик озодлик фронти (ФРЕЛИМО) сафларига янги аъзолар қабул қилиш бошланди. ФРЕЛИМОнинг шу йил бошида бўлиб ўтган III съезди фабрика ва заводларда, давлат муассасалари, кооперативлар ва ҳарбий қисмларда партия комитетларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилган эди.

Илғор, сиёсий жиҳатдан билимдон ишчиларни партия сафига қабул қилишга бағишланган умумий йиғилиш, жумладан, Мозамбик пойтахти яқинидаги Петромок шаҳарчасида, нефтни қайта ишлаб берувчи корхонада бўлиб ўтди. ФРЕЛИМО доимий сиёсий комитетининг аъзоси, саноат ва савдо министри Мариу Машингу йиғилишда сўзга чиқиб партия аъзолари, барча меҳнаткашлар мустамлакачиликка ва империализмга қарши курашда ишчилар синфининг зафарли қуроли бўлмиш марксча-ленинча назарияни ўрганишлари зарур, деб таъкидлади.

◆ АНГОЛА

Ангола Халқ Республикаси билан Португалия Республикаси иккала мамлакат ва иккала халқнинг манфаатларини кўзлаб, бир-бирларини ҳурмат қилиш, мустақиллик, суверенитет ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик асосида икки томонлама муносабатларни ва турли соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга интилаётганлигини изҳор қилади. Ангола ва Португалия ҳукуматларининг Луандада эълон қилинган қўшма баёнотида шундай дейилган.

◆ МАДАГАСКАР

Мадагаскар Демократик Республикасида социалистик кооператив ҳаракат хартияси эълон қилинди. Бу хартия мамлакатда кооператив ҳаракатнинг асосларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади.

Ҳужжатда қуйидагилар таъкидлаб ўтилади: қишлоқда социалистик типдаги кооперативлар «меҳнаткашлар оммасини ҳар қандай эксплуатациядан тамомила озод қилиш, жаҳолат, касаллик ва қашшоқликни тугатиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тез ва планли ривожлантириш» мақсадида вужудга келтирилади. Кооперативлар Мадагаскарда аввалги капиталистик ва феодал ишлаб чиқариш муносабатларини абадий тугатиши керак.

Хартия мамлакатда демократик централизм ва меҳнатнинг миқдори ҳамда сифатига қараб ҳақ тўлаш принциплари асосида ишлаб чиқариш ва матлубот кооперативлари шохобчаларини вужудга келтиришни кўзда тутади.

(ТАСС).

КАПИТАЛ ДУНЁСИ:

ИҚТИСОДИЙ ТАНГЛИК ГИРДОБИДА

БОННН. ҒФР экономикасининг етакчи тармоқларидан бири бўлмиш металлургия саноатида кризис ҳолати тобора авж олмоқда. Бир неча ойдан буён маҳсулот ишлаб чиқариш пасайиб кетганлиги ҳам буни исбот этувчи далилларнинг биридир. ҒФР статистика бошқармасининг хабар беришича, шу йилнинг биринчи ярмида Рур, Саарда ва мамлакатнинг бошқа саноат районларида пўлат ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7,3 процент, чўян ишлаб чиқариш 7,2 процент ва прокат ишлаб чиқариш 4 процент камайган.

ЛОНДОН. Англияда ишсизлик урушдан кейинги даврда ҳеч қачон ҳозиргидек авж олиб кетмаган эди. Ҳозир мамлакатда 1,5 миллиондан зиёд киши ишсиздир. Инглиз ёшлари ўртасида ишсизлар сони ғоят кўпдир. Бу йил ўрта мактабларни битириб чиққан 669 минг ёшларнинг учдан бир қисми аллақачон меҳнат биржаларида рўйхатга ёзилди.

ЖАКАРТА. Ҳозирги вақтда Индонезия пойтахтида қурилиш ишларининг 80 процентидан кўпроғи тўхтатилди. Маҳаллий савдогарлар — хусусий компания эгаларининг найранги натижасида бинокорлик материаллари қимматлашиб кетганлиги сабабли қурилиш ишларида танглик рўй берди.

(ТАСС).

НЕЙТРОН БОМБА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМАСИН!

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг секретариати нейтрон бомбага қарши халқаро ҳаракат ҳафтасини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши тинчликни ёқлаб чиқаётган барча халқаро ва миллий ташкилотларни, шунингдек сиёсий партияларни шу йил 6 августдан 13 августгача нейтрон бомбага қарши халқаро ҳаракат ҳафтасини ўтказиш ва оммавий кампанияни кенг авж олдиришга чақиради. Бу кампания ялпи қирғин қуролининг ана шу турини тақиқлашга эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

АҚШ нейтрон бомба ишлаб чиқармоқда, деган хабар, дейилади баёнотда, яхши ниятдаги барча кишиларни, бутун тинчликсевар инсоннятни ларзага келтирди. Америка маъмурларининг Ғарбий Европада жойлашган АҚШ ҳарбий қисмларини шу қурол билан таъминлашни кўзда тутган ниятлари қаттиқ норозиликка сабаб бўлмоқда.

Жаҳон Тинчлик Кенгаши таъкидлаб ўтганидек, АҚШдаги агрессив империалистик доиралар қурол-яроғларнинг сифат жиҳатидан янги системаларини кўпроқ ишлаб чиқариш билан қуроллариш пойгасини кучайтирадилар, стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисида музокаралар олиб бориш, шунингдек ядро қуролини тақиқлаш ва қуролсизланишга қаратилган битимлар тузиш йўлида қўшимча ғовларни вужудга келтирадилар. (ТАСС).

Наманган шаҳрида янги мактаб фойдаланишга топширилди. Замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган 28 кабинет, 40 синф таълим-тарбияни юксак савияда олиб бориш имконини беради. Спорт зали ва майдончалари, дам олиш зонаси ҳам ўқувчилар ихтиёрида.

Суратда: янги мактабнинг умумий кўриниши.

Ҳ. ҲАЙДАРОВ фотоси. (ЎзТАГ).

Факт ва шарҳ

ИШ ҲАҚИ—ОМОНАТ КАССА ОРҚАЛИ

Сирдарё областидаги «Малик» совхози ишчилар билан хизматчиларга тўланадиган бутун маош омонат кассаларда дафтарчаларга ўтказадиган Ўзбекистондаги биринчи хўжалик бўлиб қолди. Бу янгилик совхоз касаба союз ташкилотининг ташаббуси билан жорий этилди.

Ўзбекистон ССР давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредит бошқармасида ЎзТАГ мухбирига хабар қилишларича, ҳисоб-китобнинг бундай янги системаси биринчи марта бундан бир неча йил муқаддам Белоруссиянинг Жодино шаҳридаги автомобиль заводида қўлланилган бўлиб, республикада унинг тобора кўпроқ издошлари топилмоқда. Эндиликда ана шу янги системадан 59 та корхона ва ташкилот фойдаланмоқда. Улар ўз тажрибаларида шунга ишонч ҳосил қилмоқдаларки, бундай молиявий янгилик иш ҳақи олувчиларга ҳам, давлатга ҳам наф келтиради.

«Ангренский» кўмир разрези омонат кассалар билан ҳаммадан олдинроқ яқиндан дўстлик алоқаси ўрнатди. Илгари бу ерда ойлик маош ҳар ойда икки марта тўланарди. Шунинг натижасида кассада одамлар навбат кутиб тўпланиб қолар, ишчилар ҳам, молия ходимлари ҳам асабланарди. Чўнтакка каттагина пул тушар, шунинг натижасида баъзан ноқулайликлар вужудга келар, энди бўлса, иш ҳақи кончининг уйига энг яқин жойда очилган омонат кассада унинг дафтарчасига ўтказилади. Шунинг натижасида аҳвол яхши томонга ўзгарди. Ҳеч қандай овора бўлиб ўтирмасдан исталган пайтда ҳисобдан тегишли пулни олиш мумкин. Коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш мақсадида навбат кутиб туриш зарурати ҳам қолмади. Омонат дафтарча эгалари билан келишилган ҳолда омонат касса ҳисоб-китобни ўз зиммасига олади.

Разрез дирекцияси ва жамоат ташкилотлари томонидан ўтказилган таҳлил натижалари ҳаммани қувонтирди. Ҳисоб-китобнинг янги системаси жорий этилганидан кейин корхонада протулчилар сони камайди, жамоат тартиби мустаҳкамланди. Кўпгина ишчиларнинг омонат кассалардаги жамғармалари тез кўпая бошлади. Оиладаги барча аъзоларнинг назорати остига қўйилган бу бюджет эндиликда режали ва аввалдагига нисбатан мақсадга мувофиқ сарфланмоқда.

Ҳисоб-китоб системасининг ўзгариши туфайли давлат анчагина фойда кўраётганидан кончилар ҳам хурсанд. Ахир, илгари давлат банкининг бўлими маош берилиши олдидан нақд пулни тўплашига тўғри келарди. Бу эса пулнинг муомалада бўлишига ҳалал етказарди. Ҳақ тўлашнинг янги системаси бу камчиликни тугатади.

Республикада 23 минг меҳнаткаш ҳақ тўлашнинг янги илғор системасидан фойдаланмоқда. Давлат меҳнат омонат кассалари ва давлат кредит бошқармаси ходимларининг фикрича, Белоруссия автомобилчиларининг ташаббуси қанчалиқ кенг тарқалганлиги тўғрисида бу рақам гапириш учун тўла асос бўлолмайди. Республиканинг айрим министрликлари ва идоралари, деб таъкидлашди улар, афсуски, бу ташаббуснинг афзаллигига етарли баҳо бермаётирлар.

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИДА

МОЛДАВИЯ

ПОРОШОККА АЙЛАНТИРИЛГАН МЕВА СУВИ

Кишинев консерва комбинатида сублимация методи билан консерва қилинган мева шарбати ёки узум сувининг бир килограммидан атиги 175 грамм порошок чиқади. Бу порошокни герметик қилиб ўраб, узоқ вақт сақлаш мумкин. Уни сувга солсангиз витаминларини, дастлабки ҳиди ва рангини, таъмини яхши сақлаган ичимлик ҳосил бўлади.

Суви қочирилган мева шарбати ишлаб чиқариш учун махсус цех қурилган. Кишинев комбинати «Молдплодоовошчпром» аграр-саноат бирлашмасига киради.

170 хил консервалари бўлган бирлашма заводлари уларни мамлакатдаги қариб 2 минг савдо ташкилотларига юборибтурибди. Бу йил улар 1,5 миллиард банкага яқин консерваланган дисерт маҳсулот тайёрлаб чиқаради. 1980 йилга бориб республикада бундай маҳсулот тайёрлаш 1,5 баравардан зиёд кўпаяди.

ТОЖИКИСТОН

ШИМОЛ ВА ЖАНУБГА АТАЛГАН УЙЛАР

Душанба ностандарт ускуналар заводи Узоқ Шимол, Сибирь ва мамлакатнинг жанубий районларидаги посёлкалар учун жуда кўп уйлар юборди. Жуда қаттиқ совуқда ҳам бундай уйларнинг ичи иссиқ бўлади. Уй иссиқ сув билан иситилади, унда сушилка ва электроплита бор. Ҳар бир уй икки хона ва ошхонадан иборат.

Баланд тоғликлардаги йўлларни қурувчилар ва транспортчилар, мелиораторлар, мамлакатнинг жанубидаги йўловларнинг чўпонлари «жанубий вариантдаги» уй-вагонлардан фойдаланадилар. Бундай уйлар иссиқдан яхши сақлайди. Уларнинг томи ва деворларига иссиқдан изоляция қилувчи материаллар қопланган.

ЛАТВИЯ

ЕДГОРЛИКЛАРНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Ригада янги «Вецрига» ишлаб чиқариш бошқармаси («эски Рига») барпо этилди. Бошқарма XIII-XVIII асрлар архитектурасининг 120 га яқин ёдгорликлари жойлашган эски шаҳарни ободонлаштириш ва таъмир этиш билан шуғулланади. Черковлар, қадимги уй-жойлар, бошқа объектлар таъмир этилади.

Эски шаҳарда хиёбонлар ободонлаштирилмоқда. Бу ердан ўтувчи каналда сунъий шаршара вужудга келтирилмоқда. Шаршара ранг-баранг тусда ёритилади ва шу ранглларга ҳамоҳанг музика ижро этиладиган бўлади. Тор кўчалардаги чоркирра тошкўчалар тикланмоқда, манзарали фонарлар пайдо бўлади. Бир қанча уйларнинг биринчи қаватларида ўрта аср услуби билан безатилган кафелар, салонлар ва магазинлар жойлашади. (ТАСС).

ШИНГИЛ ҲИКОЯЛАР

ЎРТОҚ РАИС

Зокир подачининг ўғли Шокир-агрономни даштдаги қўриқ совхозга директор қилиб тайинлашди. Ўғил биринчи куниёқ ғўза ва бошқа экинларни молга пайхон қилдирганларни жазолаш тўғрисида буйруқ чиқарди. Буни одамлардан эшитиб, ота хурсанд бўлди: — Ўғлим уддабуррон, қаттиққўл. Катта хўжалик, шундай ҳушёр турмаса бўлмайди!

Деҳқонлар, рўйхатда Сиз ҳам бор, дейишганда ишонмаган эди. Буйруққа кўзи тушди-ю, тили калимага келмай, лол қотиб қолди: жарима тўлайдиганлар рўйхатининг бошида ўзи... ҳа, ана, Зокир подачининг исми-шарифи турарди!

У алам билан дарвоза эшикларини қарс-қурс очиб, уйига фаъли бузилиб кириб борди. Деворлар ва кесакидан янги бўялган полга бўёқ қирмочи, оҳак уни тўкилди. Ичкаридан шошиб кампири чиқди:

— Ҳа, дадаси, нима бўлди? Шундагина Зокир подачининг тили очилди:

— Дард бўлди!!! — чол жаҳл билан чиқиб, боши айланиб қолганидан атрофга жавдираб қарарди-ю, кеча шомда ўзи айвонга қўйган эгарни кўрмасди. — Домана бўлди!!! Ҳали оғзидан она сути... ҳали ўзи беш-ўн болани ўстириб, катта қилиб кўргани йўғ-у, отага жарима солармиш!!! Ҳой, бола, катта бўлдим деб кўп ҳовлиқма ҳозирдан! Мен сенга кўрсатиб кўяман иштрафни... Кузинг мошдай очилиб кетади!! — «курсиллатиб арпа чайнаётган байталнинг устига эгарни босиб, айилни тортиб, қамчи ўйнатиб кетди.

— Ҳой, дадаси, шайтонга ҳай беринг, нима бўлди ўзи? — деганича қампири дарвоза олдида унинг орқасидан жавраб қолди.

Зокир ота қамчи билан махсиси соғисига «шип-шип» урганича, иккинчи кўли билан икки қаватли эшикни очиб, бўсағага қадам қўйди. Юзлари қорайиб-бўртган, важоҳати ёмон эди. Қабулхонадаги котиба унга ҳеч нарса деёлмай қолди. Подачи-ота директор-ўғлини қандай «қамчилагани», «кўзини мошдай очгани» бизга қоронғу, лекин кабинетдан бўшашиб, кўзларини ерга қадаб, ялиб чиқди. Ҳали қарсиллатиб очган эшикни энди худди жонли, мўрт нарсадай эҳтиётлик билан икки қўллаб ёпди. Котибанинг кузатиб турганини сезди, сезди-ю, лекин унинг кўзига қаролмади:

— Уртоқ райисди... ишлари кўп, тиғиз экан, — деди котибадан кечирим сўрагандай. — Бошқа бир келаман яна...

Шундан кейин ҳеч ким Зокир отанинг қўлида қамчи кўрмади. Эрталаб пода ҳайдаб кетаётганда ҳам, шомда қайтаётганда ҳам байтални нозик ҳивич билан «чў-чў»лаб ўтарди. Болалар унга «чў бобо» деб лақаб қўйиб олишди.

ЙЎЛЛАНМА

Колхоз партия ташкилоти секретари ўтирган кабинетнинг эшиги очилиб, бўсағада қора булутдай Ашур бобо пайдо бўлди. Кўз милклари қизарган, сийрак киприклари асабий пирпирайди. Секретарга салом ўрнига бошини енгил силкитиб, дераза ёнидаги диванга бориб ўтирди. Яктагининг очик кўкрагига тушиб турган соқолини сийпалаётганда ёғоғон, қадоқли бармоқлари асабий титради.

— Отахон, тинчликми, молжон омонми?

Ашур ота саволга жавоб бермай, секретарга ўқрайиб тикилди:

— Кенжатойимга соғайтирарга путипка бераётганлигингиз ростба?

Отанинг важоҳатидан ҳадиксираб турган секретарнинг чеҳраси ёришди:

— Ҳа, кенжа ўғлингиз механизаторлар мусобақасида энг илғор бўлди, ҳалол ишлади. Дам олишга ҳаққи бор. Энг яхши санаторийга бепул йўлланма беряпмиз.

— Бормайди! — Ашур бобонинг товуши хириллаб, ҳурпайган қошлари остидаги кўзлари жувалдиздай ўткир ялтиради. — Нон ушатиб, фотиҳа тўйини бериб қўйганмиз, хабардорсиз. Шу қишда насиб қилса, уйини йиғиштириб бермоқчимиз. Соппа-соғ, қиличдай йигит даволанишга кетса қайлиғи, қудалар нима деб ўйлайди? Бирон дарди бор, ўшанга кетган демайдими? Одамлар, Ашур отанинг томирлари ҳам чирий бошлабди, демайдими? Йўқ, бўтам, мени ҳам, фарзандларимни ҳам бунақа иснодга қўйманг! Совет замони бўлибдики, биззарди томирга ҳали бирон хасталик юққани йўқ, даволайдиган. Ҳеч кўрганмисиз, соғлом деҳқоннинг мол-ҳол, экин-тикинни ташлаб соғайтирарга кетанини, иснод бўлади-я!

Секретарь у деди, бу деди, лекин Ашур бобога гап ўқтиролмади. Йўлланманинг қийматини олинг бўлмаса, деганда ҳам, «Даволаш пулига мухтож бўлиб қолганимиз йўқ» деб кўнмади.

— Бўлмаса, саёҳатга бориб келсин, эл-юрт кўради?

— Майли, — Ашур бобо ноилож кўнди. — Лекин узоққа кетмасин,зум бориб, зум келсин. Ўшанда ҳам сўраганларга, томошага эмас, командировка кетди, денг .Бўлмаса, Ашур бобонинг уллари ичидан ҳам меҳнатдан қочиб ялло қилиб юрадиганлари чиқибди, дейишмасин. Ўзингиз биласиз, дўст бор, душман бор... Ҳаммаларнинг оғзига элак тутиб бўлмайди. Яна иснодга қолмайлик, бўтам.

Самар НУРОВ.

Янги шеърлар

Сами АБДУҚАҲҲОР.

ИЗОҲНИНГ ҲОЖАТИ ЙЎҚ...

(Халқ юмори)

Айвонда иш билан банд экан Ҳалим,
Уйга кириб келди жўраси Салим.
Қуюқ сўрашдилар очишиб қучоқ,
Салим шодон деди дўстига шу чоқ:
— Эшитдим, яқинда ўтибди тўйинг,
Устинг ҳам башанг-ку, соз ранги-
рўйинг!
Табриклайман, дўстим, хурсандман
бундан...
Салим тўхтаб секин сўради ундан:
— Қизиқ, уйлангансан... нега
энди сен,
Пальтонгга тугмани ўзинг қадайсан?!
Ҳалим кулиб деди:—Гапнинг сираси,
Бу меники эмас, хотин пальтоси!..

ЭСЛАНМАГАН ОДАМ

(Сергей Михалковдан)

Резинкадай чўзиб соатдан ортиқ,
Бир бошдан санади ҳаммани нотиқ.
Узун бўлса ҳамки, нотиқ каломи,
Лекин, бир одамнинг ҳеч чиқмади
номи.
Доклад давомида жойидан жилмай,
Ўзини қаерга қўйишин билмай,
Енди у ўт бўлиб қуруқ ўтиндай
Охири чиқиб кетди залдан бутунлай.
Кейин ким кўриниб деди муттасил:
— Доклад бўш, бемаза, мутлоқ
бетаъсир!...

ОИЛА ҚУВОНЧИ

Оғзи қулоғида эру хотиннинг:
Яқинда олишган машина улар.
Иккиси ўрганган ҳайдашни унинг,
Аммо, эр кунларин тунларга улар...

Тинимсиз айланар тўртта ғилдирак,
Бугун ҳам қорасин кўрсатмади эр.
Кутаркан гаражда хотини энирак:
— Айтинг, кимни олиб юргандингиз?
— дер...

Эри сал қизариб: — Кимни бўларди,
Олиб юрдим, — деди—хўжайинимни!
Хотин бир чимрилди, кейин қулворди:
— Упаси бу ерда қолибди уни!...

Республикамиз пойтахтидаги саноат корхоналарининг ишчилари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига муносиб меҳнат совғалари тайёрлаш учун социалистик мусобақани кун сайин авж олдирмоқдалар.

Суратларда: 1. Тошкент «Учқун» тўқимачилик-галантерия ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор ишчиси И. Рамакаева. 2. Тошкент бадиий буюмлар фабрикаси маҳсулотлари чет элларга ҳам машҳур. Шу корхонанинг ишчиси З. Ҳиматова ҳамкасблари ўртасидаги социалистик мусобақада илғор. 3. Подшипниклар заводи ишчиси М. Маҳкамова беш йиллиини уч ярим йилда бажаришга сўз берган.

И. ГЛАУБЕРЗОН фотолари.

БИРИНЧИ ЖАЙРОНХОНА

ТАБИАТ ВА ИНСОН

Номи зоологлар томонидан илк марта 1790 йилда тилга олинган жайронлар ҳозир нодир жониворлар қаторида «Қизил китоб»га ёзилган. Бу нодир жониворлар камайиб бормоқда. Ов қонидасини бузаётган «овчилар» кўп вақт чўлма-чўл юриб, кўпинча кечалари иш битирмоқдалар. Улар машина чироғининг ёруғи кўзини олиб қўйган текин ўлжани отиб, қираётирлар.

Нодир ҳайвонни муҳофаза қилиш тадбирлари совет қонунларида ўз аксини топган. Бу қонунларда жайронларни овлаш қатъий ман қилинади. Ноёб жониворлар туёғини кўпайтиришнинг самарали яна бир йўли топилди. Бухоро областининг Когон районида ихтисослаштирилган кўриқхона-жайронхона ташкил қилинди.

Тошлоқ чўлидаги бу қўриқхона унча катта эмас, ҳажми 16×7.5 километр. Қўриқхона сим тўрлар билан ўралган. Бу ерга Қизилқум чўлларида, Ромитон ҳамда Конимех районларидаги қўраларда боқиб келинган 60 дан ортиқ жайрон қўйиб юборилди.

«Гипролесхоз» Ўрта Осиё институтининг филиали жайронхонада жониворлар яхши ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитни яратишга кўмаклашмоқда. 70 минг туп дарахт кўчати экилди. Ёз пайтларида қуёш нури ва иссиқдан сақлайдиган соябонлар, бостирмалар қурилган.

Аму-Бухоро каналининг шимолий томонида жойлашган бу жайронхона камайиб бораётган бу нодир чўл ҳайвонлари учун жуда қулай яйлов бўлиб қолди. Бу ерда балиқ боқилаётган кўл, қамишзорларда жайронлар севиб ейдиган ўт-ўланлар мавжуд. Жайронларни қўриқлаш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Питомник майдони атрофида автомашина ва мотоцикларда соқчилик қилувчилар учун йўл қурилди. Дарвоқе, шу ерда йигирма йилча муқаддам қоида бузар овчилар жайронларни беаёв қийратишган эди. Ўша жайронлардан ҳозир иккита-учтаси қўриқхонада эркин ўтлаб юрибди.

Жайронхона биргина нодир жониворларни асрайдиган жой бўлиб қолмай, балки Бухородан Қаршига, Қаршидан Бухорога келаётган туристлар, ҳайвонот дунёсини севувчи биолог ва ўрмончилар, табиат шайдолари учун томоша қиладиган сайилгоҳ ҳам бўлиб қолади.

Бу жайронхона Бухорода ташкил қилинган биринчи қўриқхона. Қарши чўлини ўзлаштириш, яйловларнинг кенгайиши, чўлларга сув чиқарилиши билан дашт табиати ўзгариб, яна бир қанча қўриқхоналарнинг пайдо бўлишига катта имкон вужудга келади.

В. РАЦЕК,
география фанлари кандидати.

Редактор ўринбосари
Х. ЕДГОРОВ.

СУД ЗАЛИДАН

БЕПАРВОЛИГИ УЧУН ЖАЗОЛАНДИ

Тарту шаҳри чеккасидаги уйларнинг бирида тўсатдан чироқ ўчиб қолди. Кўн-пойафзал комбинатига қарашли электр линиясидаги симёғоч қулаб тушди.

Корхона бош энергетиги Э. Арак ана шу носозликни тугатиш учун узоқ вақтгача ҳеч қандай чора кўрмади. Бир неча ой ўтгандан кейингина ремонт қилиш тўғрисида қарор қабул этилди. Ана шунда бир кун ичидаёқ уй электр тармоғига уланди.

Тарту халқ суди хизмат вазифаларини бажариш чоғидаги бепарволиги учун Э. Аракни икки йиллик синов муддати билан шартли равишда бир йилга аҳлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилди. Айни вақтда ишга бундай муносабатда бўлишга йўл қўйиб бўлмаслик комбинат раҳбарларига уқтирилди.

ТАРТУ,
Эстония ССР.
(ТАСС мухбири).

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент тўқимачилик комбинати қошидаги 85-ШАҲАР ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ тўқимачилар ва йигирувчилар тайёрлайдиган группаларга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДАГИ ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати—1 йил.

Мутахассислик билан бирга ўрта маълумот берадиган группаларда ўқиш муддати 3 йил.

Ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақи билан таъминланадилар.

БОШҚА ШАҲАРДАН КЕЛГАНЛАР ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР. БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН БИТИРГАНЛАР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ИМТИЁЗЛИ РАВИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

БИЛИМ ЮРТИГА 8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТ БИЛАН КИРГАНЛАР КОМБИНАТ ҚОШИДАГИ ИШЧИ-ЕШЛАР МАКТАБИНИНГ 9-СИНФИГА КИРИБ ЎҚИШЛАРИ МУМКИН.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома, соғлиги тўғрисидаги справка (справка формасини билим юрти беради), турар жойидан справка, 3х4 см. катталикдаги 4 дона фотосурат, мактабдан характеристика.

Билим юртининг адреси: 700092, Тошкент шаҳри-92, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 34-уй.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИ

янги ташкил этилган

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЎРТА ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА 1977—78 ўқув йилига (кундузги таълим)

«АГРОНОМИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ» БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

СОВХОЗ-ТЕХНИКУМЛАР

1-«БОЕВУТ» СОВХОЗ-ТЕХНИКУМИ

(Сирдарё область, Боёвут посёлкаси);

АБАЙ НОМЛИ СОВХОЗ-ТЕХНИКУМ

(Жиззах область, Мирзачўл райони);

«САВАЙ» СОВХОЗ-ТЕХНИКУМИ

(Андижон область, Қўрғонтепа районидаги Қўрғонтепа посёлкаси);

«БЕШАРИҚ» СОВХОЗ-ТЕХНИКУМИ

(Фарғона область, Киров райони);

«РОМИТАН» СОВХОЗ-ТЕХНИКУМИ

(Бухоро область, Ромитан райони);

ЛЕНИН НОМЛИ СОВХОЗ-ТЕХНИКУМИ

(Наманган область, Поп райони);

ТЕХНИКУМЛАРГА ЎРТА МАКТАБЛАРНИНГ 8 ВА 10-СИНФЛАРИНИ ТУГАТГАН ЕШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қабул қоидаси «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1977 йил 9 июнь сонида босилган.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Она** (катта ва кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Қўзиқоринхўр одам — «ҚОЗОҒИСТОН», «ВОСТОК», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Стажёр — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Зангори осмон остида — «ДРУЖБА» (21.00).

Кўзгу — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Хаани — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Сўнган гулханлар тафти — С. РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Қўзиқоринхўр одам — «ФЕСТИВАЛЬ» (21, 22.30).

Парм ибодатхонаси — «ХИБА» (21.00).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

5 АВГУСТДА

МАВСУМ ОЧИЛАДИ

МОСКВА «СУВДА ЦИРК» АТТРАКЦИОНИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

Икки бўлимдан иборат мушакбозлик томошалари.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

31 ИЮЛЬ

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Заряднага сафланинг. 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — «Олга болакайлар». 13.00 — Музикали киоск. 13.30 —Қишлоқ янгиликлари. 14.30— «Инсон тақдири» (бадиий фильм). 16.20 — Концерт. 16.35 — Халқаро панорама. 17.50 — Огир атлетика. Европа ва Америка терма командалари ўртасида учрашув. 17.50 — Бугун — СССР ҳарбий-денгиз флоти куни. 18.05 — Концерт. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.50 — Бутуниттифоқ иккинчи ёшлар спорт ўйинларида. 20.20 — СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама киламиз. 20.30 — Киносаёҳатчилар клуби. 21.30 — «Вақт». 22.00 — Футбол. СССР кубоги учун ярим финал. «Заря» — «Торпедо» (М). 23.45 — Концерт. 00.35 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20— Куйланг ёш хонандалар. 10.50 — «Бобо ва кичик барабан» (фильм). 11.00 — Қувнок старт-лар. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Ёш киноҳаваскорлар клуби. 13.20 — Шаҳмат мактаби. 13.50 — «Замандас». 14.30 — Реклама. 17.40 — «Старшеклассник». 18.10 — Денгизни севувчилар сизлар учун. 18.30 СССР Конституцияси лойиҳаси сатрларида 18.45 — Фильм-концерт. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Н. Исҳоқов куйлайди. 21.30 — «Вақт». (Москва). 22.00 «Соҳилга руҳсат» (бадиий фильм).

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.50 — **ФРУНЗЕ КУРСАТУВЛАРИ.**

1 АВГУСТ

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — Болалар учун фильм. 11.00 —«Барс дарасининг асирлари» (бадиий фильм). 12.00 — Киносаёҳатчилар клуби. 15.50 — Ҳужжатли фильмлар. 16.50 — «Сен билан ёнма-ён» (бадиий фильм). 18.00 — Оналарнинг мактаби. 18.30 — Болалар катта хорининг чиқиши. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Концерт. 20.00 —Приморье ўлкаси меҳнаткашлари мусобақалашмоқдалар. 20.45 — «Яна бир бошдан» (бадиий фильм). 22.00—«Вақт». 22.30 — Футбол. СССР кубоги учун ярим финал. «Динамо» (М) — «Зенит». 00.10 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.25 — «Ёш куч». 18.55 — «Прогресс». 19.25 — Халқаро ҳаётнинг актуал масалалари. 19.45 — Ахборот. 20.00 — «Камолот сари». 21.00 — Ахборот. 21.20 — Сабоҳитдин Али. «Ошиқ ҳўли қиссаси». 22.00 — «Вақт». (Москва). 22.30 — Август — ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой. 22.45 — «Бир плачетада» (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.25 — «Орқага бўл ёўқ» (бадиий фильм, 1-серия). 20.30— Янгиликлар. 20.50 — «Кругозор» 21.20 — Фильм-концерт. 21.50 — «Бархаёт сиймолар».

Радио

31 ИЮЛЬ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Лирика дафтари (концерт). 9.15 — «Табассум». 11.15 — Москва. Эрталабки салом». 12.10 — Ишчи сулолалар шарафи. 12.30 — Ўзбек куйлари дан концерт. 13.00 — Юқоря самарадорлик учун. 13.30 — Хатларингизни ўқиб (концерт). 14.00 — Ёз неъмати — эл дастурхонига. 15.10 — Оққўрғон мактаблари янги ўқув йилига тайёр. 15.25 — Қўшиқ билан учрашув. 16.10 — «Менинг бечора Маратим», (спектакль). 17.40 — Дам олиш киноафишаси. 18.00 — Москва. Халқаро шарҳловчилар даврасида. 18.30 — «Деҳқонга таъзим». Вокал-сюита. 19.00 — КПСС XXV съезди қарорлари — ҳаётга. 19.20 — «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 20.25 — Енгил куйлар. 21.00 — Радиотингловчиларнинг талабига биноан концерт. 22.00 — «Табассум». 22.45 — Г. Отабоева куйлайди. 23.15 — Дам олиш соатида.

1 АВГУСТ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Янгра, созим! (концерт). 9.25— Совет турмуш тарзи. 9.30 —Ўзбек авторларининг қўшиқлари. 11.15 — Олий ўқув юртлари янги ўқув йилида. 11.30 — Совет Армияси жангчилари учун концерт. 12.10 — «Ўзбекистан индустриальний». 13.00 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 13.3 — «Голубой экрай» оркестрининг концерти. 14.00 — Август — ҳосилга ҳосил қўшиш ойи. 16.10 — Ўзбекистон композиторларининг ижоди. С. Бобоев. 18.30 — Ижтимоий истеъмол фондлари ва халқ фаровонлиги. 19.00 — Ҳар бир кун — ҳосил тўплашга хизмат қилсин. 19.10 — «Ушшоқ» (музикали эшиттириш). 20.25 — Озарбайжон куйлари 21.00 — Т. Ражабий шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 22.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун кечки концерт. 22.30 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 22.40 — Давлат мукофотига тавсия этилган асарлар. 23.15 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР:

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142.

Р. 14443. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ... Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г.—177.